

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **28-29-сон**
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ **(944-945)**
ТЎПЛАМИ **2020 йил**
27 июль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

323. ««Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 июлдаги ЎРҚ–628-сон Қонуни
324. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 21 июлдаги ЎРҚ–629-сон Қонуни
325. «Инновацион фаолият тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июлдаги ЎРҚ–630-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

326. «Ер ресурслари ва давлат мулки объектларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 июлдаги ПФ–6027-сон Фармони

327. «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 июлдаги ПФ-6029-сон Фармони
328. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 июлдаги ПФ-6031-сон Фармони
329. «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини тартибга солиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 июлдаги ПФ-6033-сон Фармони
330. «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сон Фармони
331. ««Хар бир оила — тадбиркор» дастурини ҳамда Наманган вилоятидаги кичик саноат зоналарини ривожлантиришни молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 июлдаги ПҚ-4782-сон қарори
332. «Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 июлдаги ПҚ-4787-сон қарори

Бешинчи бўлим

333. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 27 июндаги 15/6-сон «Микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларининг ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигига доир минимал талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3260*)
334. Ўзбекистон Бадий академияси раисининг 2020 йил 24 июндаги И-50-сон «Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига кириш касбий (ижодий) имтиҳон натижаларини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3261*)
335. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 27 июндаги 15/3-сон «Молиявий хизматлар истеъмолчилари билан

ўзаро муносабатларни амалга оширишда микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3262*)

336. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 15 июндаги 195-сон «Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240-4*)
337. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 16 июндаги 197-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2358-3*)
338. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 16 июндаги 198-сон «Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2363-2*)
339. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 16 июндаги 199-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2804-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****323 «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 1 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 19 июнда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида**»ги 412–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 118-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 423-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **7-модданинг биринчи қисмидаги «Ҳукумати»** деган сўз «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«энергия жихатидан самарадор ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)»;

3) **10-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурлар ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш;

иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун зарур бўлган энергиянинг ҳосил қилинишини ва сарфланишини барқарорлаштириш;

энергиянинг ҳосил қилиниши ва сарфланиши режимларини мақбуллаштириш, унинг ҳисобга олинишини ташкил этиш;

энергия жихатидан самарадор ва энергияни тежайдиган асбоб-ускуналар ҳамда энергия сарфи миқдори энг кам бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш;

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 15 июлда эълон қилинган.

энергия ҳосил қилувчи ва энергияни ишлатувчи асбоб-ускуналар ҳамда маҳсулотга доир норматив ҳужжатларга энергия жиҳатидан самарадорлик ва энергия жиҳатидан тежамкорлик кўрсаткичларини киритиш;

энергиянинг сифати, ишлаб чиқаришнинг энергия жиҳатидан самарадорлиги ва энергия тежамкорлиги ҳамда маҳсулотга энергия сарфи миқдори устидан давлат текшируви ва назоратини ташкил этиш;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда энергия жиҳатидан самарадорлик ва энергия тежамкорлиги текширувларини ташкил этиш;

маҳсулотнинг, ишлаб турган ва реконструкция қилинаётган объектларнинг, технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергетика экспертизасини ўтказиш;

энергетика жиҳатидан самарадор бўлган лойиҳаларни амалга ошириш учун энергия жиҳатидан самарадорлик ва энергия жиҳатидан тежамкорлик намоиш этиладиган зоналарни барпо этиш;

энергия жиҳатидан самарадор, энергия жиҳатидан тежамкор ва экологик хавфсиз технологияларни ҳамда ишлаб чиқаришларни ривожлантиришни рағбатлантириш;

энергиянинг ҳосил қилиниши ва сарфланиши юзасидан статистика кузатувларини ташкил этиш»;

4) **11-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

энергиядан оқилона фойдаланишга қаратилган давлат дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

энергияни тежаш ва энергия жиҳатидан самарадорликни ошириш соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватлашни амалга ошириш шакллари ва усулларини белгилайди;

энергия жиҳатидан самарадор ва энергия тежаладиган дастурлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижро этувчи ҳокимият органларининг, шунингдек корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

энергия жиҳатидан самарадор ва энергия жиҳатидан тежамкор техника ҳамда маҳсулотни, илғор технологияни, ушбу соҳадаги бошқарув усулларини ва илмий тадқиқотларни жорий этиш, иккиламчи энергия ресурсларини ҳамда чиқиндиларни утилизация қилиш, шунингдек атроф-муҳитда табиий ҳолда тикланувчи қуёш, шамол энергиясидан, ер ҳароратидан (геотермал), сув оқимларининг табиий ҳаракатидан, биомасса энергиясидан (бундан буён матнда қайта тикланувчи энергия манбалари деб юритилади) фойдаланиладиган технологияларни жорий этиш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилишига қўмаклашади;

энергияни ҳисобга олиш, уни назорат қилиш ва бошқариш асбобларини, энергия жиҳатидан самарадор, энергия жиҳатидан тежамкор ҳамда экологик хавфсиз энергетика қурилмаларини ишлаб чиқариш бўйича саноат базасини ривожлантиришга ёрдам беради;

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари бўйича энергия жиҳатидан самарадорликни, энергия тежамкорлигини ошириш ҳамда энергетика ресурсларини тежаш кўрсаткичларини аниқлаш услубиётини, шунингдек мақсадли кўрсаткичларини тасдиқлайди;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг энергетик текширувларини ўтказиш, шунингдек энергияни ишлаб чиқарадиган ҳамда сарфлайдиган ускуналарни ҳамда ишлаб чиқарилаётганда энергетика ресурсларидан фойдаланиладиган маҳсулотни экспертизадан ўтказиш қоидаларини тасдиқлайди;

энергия сарфлашнинг махсус режимини ўрнатишга розилик беради;

энергиядан оқилона фойдаланиш ва энергетика асбоб-ускуналарини ишлатиш масалалари бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини яратишга кўмаклашади;

жамоатчиликни энергиядан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисида хабардор қилади;

энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан давлат текшируви ва назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди»;

5) қуйидаги мазмундаги **11¹**, **11²** ва **11³-моддалар** билан тўлдирилсин:

«11¹-модда. Энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасида, шу жумладан энергиянинг ишлатилишини камайтириш, энергияни тежайдиган илғор технологияларни жорий этиш ҳамда иқтисодиёт тармоқларидаги ва ижтимоий соҳадаги қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

давлат органларида ва ташкилотларида, иқтисодиёт тармоқлари корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ишлаб чиқариш жараёнларига ҳамда ижтимоий соҳа объектларига энергия жиҳатидан самарадор ва энергияни тежайдиган технологиялар жорий этилишини рағбатлантирувчи ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларни ишлаб чиқади, шунингдек энергия ресурсларидан фойдаланишдаги энергия жиҳатидан самарадорлик ва энергия тежамкорлиги юзасидан мониторингни амалга оширади;

иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳа объектларида энергия жиҳатидан самарадорликни ва энергия тежамкорлигини оширишга доир илмий тадқиқот ишларини ташкил этади, инвестиция лойиҳалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасида ягона норматив-ҳуқуқий ва техник жиҳатдан тартибга солишни амалга оширади;

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) энергия жиҳатидан самарадорлиги ва энергия тежамкорлиги бўйича тоифаларини аниқлаш қоидаларини белгилайди;

бинолар ва иншоотларнинг, шу жумладан кўп квартирали уйларнинг энергия жиҳатидан самарадорлиги ва энергия тежамкорлиги бўйича тоифаларини аниқлаш қоидаларини белгилайди;

товарларга (ишларга, хизматларга), бинолар ва иншоотларга, қурилмаларга, шу жумладан кўп квартирали уй-жойларга нисбатан энергия жиҳатидан самарадорлик ва энергия тежамкорлиги талабларини белгилайди;

энергия самарадорлиги паст бўлган маҳсулотнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ёки мамлакатимизга импорт қилинишини чеклаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

фойдаланилаётган энергия ресурсларининг ҳисобини юритади;

энергия аудиторлари фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди, энергия ресурслари истеъмолчилари мажбурий энергетика текширувларидан ўтказилиши ва тегишли тавсияларнинг бажарилиши юзасидан мониторингни, шунингдек энергия сервис компаниялари фаолияти мониторингини амалга оширади;

кўп квартирали уй-жой мулкдорларининг умумий фойдаланишдаги мол-мулкка нисбатан энергия жиҳатидан самарадорликни ва энергия жиҳатидан тежамкорликни ошириш юзасидан тадбирлар ўтказади;

энергия жиҳатидан самарадорликни ва энергия тежамкорлиги бўйича ҳудудий дастурларга доир талабларни ишлаб чиқади;

энергия жиҳатидан самарадорлик ва энергия тежамкорлигини ошириш бўйича ишларни юритишга доир маълумотлар базасини шакллантиради;

энергия жиҳатидан самарадорликни ва энергия тежамкорлигини ошириш бўйича ўқув дастурларига доир талабларни ишлаб чиқади;

энергетика аудити соҳасидаги мутахассисларнинг ва энергетика хизматларини етказиб берувчиларнинг малакасини ошириш учун тренинглар ташкил этади.

11²-модда. Энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги давлат текшируви ва назорати органларининг ваколатлари

Энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги давлат текшируви ва назорати органлари ўз ваколатлари доирасида:

энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

бинолар ва иншоотларни, шу жумладан кўп квартирали уй-жой фондини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, қуриш ва фойдаланишга топширишда уларда энергия жиҳатидан самарадор ва энергия жиҳатидан тежамкор технологиялардан фойдаланишнинг шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидаларига мувофиқлигини текширади;

бинолар ва иншоотларни, шу жумладан кўп квартирали уй-жой фондини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, қуришда иссиқлик сақловчи қурилиш материалларини, шунингдек конструкцияларни қўллаш ҳамда муқобил энергия манбалари воситаларини, энергияни тежайдиган лампаларни мажбурий ўрнатиш талабларига риоя этилишини назорат қилади, бундан якка тартибдаги уй-жой қурилиши мустасно;

товарлар (ишлар, хизматлар), иншоотлар, бинолар ва қурилмаларнинг энергия жиҳатидан самарадорлиги ва энергия тежамкорлиги нормаларига, шунингдек энергиянинг сифат кўрсаткичларига риоя этилиши устидан текширув ва назоратни амалга оширади;

энергетика ресурсларидан самарасиз фойдаланганлиги учун юридик шахсларга нисбатан иктисодий жазо чораларини қўллайди.

11³-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ҳудуди доирасида:

энергиядан оқилона фойдаланиш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

энергиядан оқилона фойдаланишни ривожлантириш давлат дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

энергиядан оқилона фойдаланишни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ва лойиҳаларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

энергиядан оқилона фойдаланишга доир дастурлари ва лойиҳаларининг ижроси юзасидан тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

энергия жиҳатидан самарадор ва энергия жиҳатидан тежамкор технологияларни жорий этиш бўйича ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади»;

6) **12-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12-модда. Давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурлар ҳамда лойиҳалар

Энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурлар ҳамда лойиҳалар энергиядан оқилона фойдаланиш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширишда мажбурийдир.

Қуйидагилар тегишинча давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурлар ҳамда лойиҳаларни ишлаб чиқиш ташаббускори бўлади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари.

Давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурлар ҳамда лойиҳалар қисқа (бир йилдан икки йилга қадар даврга), ўрта (икки йилдан беш йилга қадар давр-

га) ва узоқ (беш йил ва ундан ортиқ даврга) муддатга ишлаб чиқилади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ҳамда устувор ҳисобланади. Уларни амалга ошириш учун жавобгарлик тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юклатилади»;

7) **13-модданинг учинчи қисмидаги** «Ҳукумати» деган сўз «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **14-модданинг:**

биринчи қисми «энергия жиҳатидан самарадорлиги» деган сўзлардан кейин «энергия тежамкорлиги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисмидаги «Ҳукумати» деган сўз «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **15-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ҳукумати» деган сўз «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **16-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Энергиянинг ҳосил қилиниши ва сарфланиши ҳажми ҳамда унинг тузилмаси, энергиядан оқилона фойдаланилиши устидан статистика кузатувини Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ташкил этади ва амалга оширади»;

11) **18-модда:**

биринчи қисмидаги «Ҳукумати» деган сўз «Президенти» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурлар ҳамда лойиҳаларни амалга оширишдан олинadиган фойданинг улуши»;

12) **19-модда:**

иккинчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «Ҳукумати» деган сўз «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурлар ҳамда лойиҳаларни давлат имтиёзли кредити ҳисобидан молиялаштириш бўйича»;

тармоқлараро илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириш, энергия жиҳатидан самарадор ва энергия жиҳатидан тежамкор асбоб-ускуналарнинг тажриба туркумларини ишлаб чиқариш бўйича»;

учинчи қисмидаги «Ҳукумати» деган сўз «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ва конструкциялар, қўплаб ишлаб чиқариладиган энергия жиҳатидан самарали»

деган сўзлар «қурилиш материаллари ва конструкциялар, кўплаб ишлаб чиқариладиган энергия жиҳатидан самарали ва энергияни тежайдиган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **20-модданинг иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги** «Ҳукумати» деган сўз «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 14 июль,
ЎРҚ-628-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

324 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 1 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 19 июнда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 186³-модда:

номи ва **биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 22 июлда эълон қилинган.

«186³-модда. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, шунингдек таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки кўп миқдорда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

2) 251¹-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги «Гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлар «Дори препаратлари, гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) саккизинчи бўлимдаги «Гиёҳвандлик воситаларидан, уларнинг аналогларидан ёки психотроп моддалардан қонунга хилоф равишда фойдаланишдаги кўп миқдор» деган атама қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, шунингдек таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситалари билан қонунга хилоф равишда фойдаланишдаги кўп миқдор — тегишли давлат органининг ҳулосасига мувофиқ белгиланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда;

1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **17¹-модда:**

бешинчи қисмининг русча матнидаги «в обстоятельствах крайней необходимости» деган сўзлар «в состоянии крайней необходимости» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тезкор ва махсус хизматларнинг кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялтироқ маёқчани ёккан ҳолда ҳамда махсус товушли сигналлар билан яқинлашиб келаётган транспорт воситаларига уларнинг тўсиқсиз ўтиб кетиши учун йўл берган транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар фото- ва видеокайд этишнинг махсус автоматлаштирилган техник воситалари орқали қайд этилган тақдирда, ҳайдовчиларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлиги охириги зарурат ҳолатларда содир этилган деб топилади ва маъмурий иш ушбу Кодекснинг 271-моддасига мувофиқ тугатилади»;

2) **47-модда:**

биринчи қисмининг санкциясидаги «иккидан бир қисмидан уч бараваригача» деган сўзлар «бир бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «уч бараваридан беш барава-
ригача» деган сўзлар «беш бараваридан ўн барава-
ригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмининг санкциясидаги «беш бараваридан ўн барава-
ригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўн беш барава-
ригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмининг санкциясидаги «ўн бараваридан йигирма ба-
раваригача» деган сўзлар «ўн беш бараваридан йигирма беш барава-
ригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 128⁵-модда:

биринчи қисмининг диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этил-
син:

«Тезкор ва махсус хизматларнинг кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил
рангли ялтироқ маёқчани ёққан ҳолда ҳамда махсус товушли сигнал билан
яқинлашиб келаётган транспорт воситалари тўсиқсиз ўтиб кетиши учун
транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан халақит бериш»;

учинчи қисмидаги «йигирма» деган сўз «йигирма беш» деган сўзлар
билан алмаштирилсин;

4) 165¹-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«165¹-модда. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори восита-
ларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақса-
дида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш,
ташиш ёки ўтказиш, дори воситаларини ёки тиб-
бий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг
филиалларидан ташқарида реализация қилиш,
шунингдек дори воситаларини рецепт бўйича
чакана реализация қилиш тартибини бузиш**

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий
буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш,
ташиш ёки ўтказиш, шунингдек дори воситаларини ёки тиббий буюмлар-
ни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация
қилиш, —

мазкур ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроллари ва ашёларини му-
содалар қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бара-
варигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар, гиёҳвандлик воситалари,
уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар мавжуд бўлмаган дори воси-
таларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн барава-
ригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воси-
таларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз барава-
ригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) қуйидаги мазмундаги **197⁵-модда** билан тўлдирилсин:

«197⁵-модда. Таълим муассасаси педагог ходимининг касбий фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашиш ёки ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш

Таълим муассасаси педагог ходимининг касбий фаолиятига таълим олувчилар билимини тўғри ва холис баҳолашига таъсир кўрсатиш билан ифодаланган тарзда қонунга ҳилоф равишда аралашиш ёки таълим муассасаси педагог ходимининг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

6) **245-модданинг биринчи қисми** «197⁴» рақамидан кейин «197⁵» рақами билан тўлдирилсин;

7) **283-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекснинг 197⁵-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда (таълим муассасаси педагог ходимининг касбий фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашиш ёки ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш), таълим муассасасининг педагог ходими маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузмасдан ўз аризасида ҳуқуқбузарнинг шахси, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва унинг моҳияти тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек ишни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга»;

8) **305-модданинг иккинчи қисмидаги** «164-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 201, 202, 203, 204, 205-моддаларида» деган сўзлар «47-моддасида, 164-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 197⁵, 201, 202, 203, 204, 205-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 223–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ–370-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 880, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда) **30-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

учинчи қисм чиқариб ташлансин;
тўртинчи ва **бешинчи қисмлар** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида**»ги 415–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 4 январда қабул қилинган ЎРҚ–399-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 1, 1-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгаришлар ва қўшимча киритилсин:

1) 6-модданинг биринчи қисми:

ўн учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган орфан дори воситалари рўйхатини, Кам учрайдиган (орфан) касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун мўлжалланган тиббий буюмлар рўйхатини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди»;

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ўта хавфли инфекциялар, шунингдек эпидемиологик жиҳатдан хавф туғдирувчи инфекциялар профилактикасида, уларга ташхис қўйишда ва уларни даволашда қўлланиладиган дори воситаларини, тиббий буюмларни ва тиббий техникани етказиб бериш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртмасини шакллантиради»;

ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва **ўн олтинчи хатбошилари** тегишинча **ўн бешинчи, ўн олтинчи** ва **ўн еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) 14-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтига:

Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрида;

Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган орфан дори воситалари рўйхатида;

Кам учрайдиган (орфан) касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун мўлжалланган тиббий буюмлар рўйхатида;

Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатида;

Асосий дори воситалари рўйхатида;

ўта хавфли инфекциялар, шунингдек эпидемиологик жиҳатдан хавф туғдирадиган инфекциялар профилактикасида, уларга ташхис қўйишда ва уларни даволашда қўлланиладиган, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртмаси бўйича импорт қилинадиган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника рўйхатида;

Тиббий буюмлар рўйхатида кўрсатилган ахборот жойлаштирилади»;

3) 24-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Орфан дори воситалари ҳамда орфан касалликларга ташхис қўйишда

ва уларни даволашда қўлланиладиган тиббий буюмлар импорти, ўта хавфли инфекциялар, шунингдек эпидемиологик жиҳатдан хавф туғдирадиган инфекциялар профилактикасида, уларга ташхис қўйишда ҳамда уларни даволашда қўлланиладиган, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртмаси бўйича импорт қилинадиган дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳамда тиббий техника импорти давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «**Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида**»ги 813–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 210-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 592-модда; 2020 йил, № 3, 203-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **13-модданинг матнидаги** «махсус ваколатли орган» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **16-модданинг матнидаги** «махсус ваколатли орган» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида**»ги 310–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги мазмундаги **28-модда** билан тўлдирилсин:

«28-модда. Жамият томонидан облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш

Жамият облигацияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чиқаришга ва жойлаштиришга ҳақли».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 январда қабул қилинган «**Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–76-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 1, 2-модда; 2008 йил, № 12, 634-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **14-моддасининг**

тўртинчи қисмидаги «жамоатчилик кенгаши таркибини шакллантириш тартиби» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган **«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»**ги ЎРҚ–163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ–387-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 3, 166-модда, № 4, 199-модда, № 12, 891-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг ўн олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«корпоратив облигациялар — акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар томонидан чиқариладиган облигациялар»;

2) **5-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарорда гаров, банк кафолати ёки қонунда назарда тутилган бошқа усуллар билан таъминлаш назарда тутилса, бундай қарорда таъминот берган шахс тўғрисидаги ва таъминот шартлари ҳақидаги маълумотлар ҳам кўрсатилиши керак. Бунда облигациялар чиқариш тўғрисидаги бундай қарор таъминот берувчи шахс томонидан ҳам имзоланиши керак»;

3) **6-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Корпоратив облигациялар қуйидаги шартларга риоя этган ҳолда:

эмитентнинг бундай облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги ўз капитали миқдори доирасида. Агар корпоратив облигациялар суммаси эмитентнинг ўз капитали миқдоридан ошса, эмитент ошган сумма учун таъминот бериши шарт;

сўнгги бир йилда рентабеллик, тўловга қобилиятлилик, молиявий барқарорлик ва ликвидлиликнинг ижобий кўрсаткичларига эга бўлган эмитентлар томонидан;

облигациялар чиқарилишидан олдинги бир йил учун молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси мавжуд бўлганда;

инвесторларга тегишли маблағларнинг эмитентлар томонидан тўланиши бўйича тўлов агентлари вазифасини бажарувчи тижорат банклари иштирокида чиқарилади.

Инфратузилма облигациялари қуйидаги шартларга риоя этган ҳолда:

эмитентнинг бундай облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган санадаги ўз капитали миқдори доирасида. Агар инфратузилма облигациялари суммаси эмитентнинг ўз капитали миқдоридан ошса, эмитент ошган сумма учун таъминот бериши шарт;

облигациялар чиқарилишидан олдинги бир йил учун молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси мавжуд бўлганда;

инфратузилма облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республи-

каси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида назарда тутилган лойиҳани молиялаштириш учун фойдаланилса, чиқарилади.

Давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, шунингдек давлат корхоналари томонидан инфратузилма облигациялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда чиқарилади.

Корпоратив ва инфратузилма облигацияларини чиқаришнинг қўшимча шартлари қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 апрелда қабул қилинган «**Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–280-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 96-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-модданинг бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **11-модданинг бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **12-модданинг бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Оилавий тадбиркорлик тўғрисида**»ги ЎРҚ–327-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 4, 111-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **3-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик субъектлари уч нафаргача доимий ишчини ёллаб, улар билан меҳнат шартномаси тузишга, шунингдек меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган бошқа яқин қариндошларини, шу жумладан болалари ва невараларининг эрини (хотинини), ака-укалари ва опасингилларини, уларнинг хотинини (эрини) ва болаларини юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик субъектининг иштирокчиси сифатида жалб этишга ҳақли»;

2) **8-модданинг иккинчи қисми:**

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«оилавий корхона бошлиғини сайлаш (тайинлаш) ва озод қилиш»;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«оилавий корхона иштирокчилари таркибини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ва ҳал қилиш»;

олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилари тегишинча **еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрда қабул қилинган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги ЎРҚ–376-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотнома-си, 2014 йил, № 9, 247-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 8-модда) 21-моддасига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

ўн биринчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бошқаруви органларига нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушадиган лойи-ҳаларни кўриб чиқиш, умумлаштириш ва уларни баҳолаш давлат бошқа-руви органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари томонидан амалга оширилади»;

ўн иккинчи қисмдаги «жамоатчилик кенгаши таркибини шакллан-тириш тартиби» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳия-ти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

13-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 1-моддаси ва 2-моддасининг 4-банди ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 21 июль,
ЎРҚ–629-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

325 Инновацион фаолият тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 7 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 19 июнда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади инновацион фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Инновацион фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Инновацион фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг инновацион фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

инновация — фуқаролик муомаласига киритилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган, қўлланилиши амалиётда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлайдиган янги ишланма;

инновацион инфратузилма — инновацион фаолиятни моддий-техник, молиявий, ташкилий-услубий, ахборот, консултив ва бошқа жиҳатдан таъминлайдиган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, мулкчиликнинг исталган шаклидаги улар бирлашмаларининг мажмуи;

инновацион лойиҳа — янги ишланмалар яратиш учун бажариш муддатларини, ижрочиларни, молиялаштириш манбаларини ва тегишли инфратузилмани шакллантиришни назарда тутувчи тадбирлар мажмуи;

инновацион фаолият — янги ишланмаларни ташкил этиш, шунингдек ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг ўтказилиши ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича фаолият;

инновациялар яратиш учун давлат буюртмаси — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига инновацион лойиҳани бажариш учун топшириқ;

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 24 июлда эълон қилинган.

технологиялар трансфери — янги ишланмани у олинадиган (ишлаб чиқариладиган) соҳадан амалда қўллаш соҳасига ўтказишга қаратилган тадбирлар мажмуи;

янги ишланма — мавжуд ўхшаш интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан янги белгиларга эга бўлган, амалда қўллаш мумкин бўлган ва амалиётда ундан фойдаланганда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлай оладиган интеллектуал фаолият натижаси (ишлаб чиқариш, маъмурий, тижорат ёки бошқа хусусиятга эга янги ёки мукаммал технология, хизмат ва ташкилий-техник ечим).

4-модда. Инновацион фаолиятнинг асосий принциплари

Инновацион фаолиятнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: инновацион фаолиятнинг эркинлиги;

инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашдан тенг фойдаланилишини таъминлаш;

инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ошқоралиги ва аниқ йўналтирилганлиги;

рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш;

ахборотни эркин алмашиш;

инновацион фаолият натижасида яратилган интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш;

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарар етказмаслик.

2-боб. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш

5-модда. Инновацион фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Инновацион фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

инновацион ривожлантиришнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солилишини таъминлаш;

инновацион фаолият соҳасидаги устувор йўналишларни белгилаш, шу жумладан технологик тараққиётни прогнозлаштириш асосида белгилаш;

инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш;

инновацион фаолият субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

инновацион фаолият соҳасидаги республика, тармоқ ва ҳудудий давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

инновацион фаолиятга инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш;

инновацион фаолият соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш;

инновацион фаолият соҳасида кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

инновацион фаолият соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг инновацион фаолият соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

инновацион фаолият соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

инновацион ривожлантириш стратегияларини амалга ошириш бўйича фаолиятнинг шакллантирилиши ва мувофиқлаштирилишини таъминлайди;

иктисодиёт тармоқларини ва ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришнинг устувор йўналишларини тасдиқлайди;

инновацион ривожланиш учун зарур шарт-шароитлар яратади;

инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларига эришилишини баҳолаш мезонларини тасдиқлайди;

янги ишланмаларни тижоратлаштириш ва технологиялар трансфери учун зарур шарт-шароитлар яратади;

инновацион фаолият соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Инновацион фаолият соҳасидаги ваколатли давлат органининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги инновацион фаолият соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).

Ваколатли давлат органи:

инновацион фаолият соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг инновацион фаолият соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

инновацион ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

инновацион фаолият соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

инновацион фаолият хавфларини баҳолаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

мамлакатнинг инновацион ривожланиш ҳолати таҳлилини амалга оширади;

инновацион фаолият субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

инновацион лойиҳаларнинг давлат экспертизаси ташкил этилишини таъминлайди;

ягона давлат буюртмачиси сифатида инновацион лойиҳаларни шакллантиради, тасдиқлайди ва молиялаштиради;

инновациялар яратиш учун давлат буюртмаси доирасида инновацион лойиҳаларнинг бажарилишини мониторинг қилади ва бажарилиш самарадорлигини баҳолашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан харид қилинадиган технологиялар трансферига оид шартномаларни рўйхатдан ўтказди;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва бошқа ташкилотларга молиялаштириш учун янги ишланмаларни тавсия қилади;

янги ишланмаларни тижоратлаштиришни молиялаштиради ва технологиялар трансферига кўмаклашади;

инновацион фаолият субъектларини ташкил этиш ва ривожлантиришга кўмаклашади, инновацион фаолият натижаларини жорий этишга доир самарали механизмларни шакллантиради;

инновацион фаолият субъектлари учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил қилишда иштирок этади;

инновацион фаолият соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ваколатли давлат органи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Давлат бошқаруви органларининг инновацион фаолият соҳасидаги ваколатлари

Давлат бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

инновацион фаолият соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

инновацион фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлайди;

инновацион лойиҳаларни шакллантириш, молиялаштириш ва амалга оширишда иштирок этади;

ўз тасарруфидаги инновацион фаолият субъектларининг инновацион лойиҳаларни амалга оширишга доир фаолиятини мувофиқлаштиради.

Давлат бошқаруви органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг инновацион фаолият соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

тегишли ҳудудда инновацион фаолият соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

тегишли ҳудудда инновацион лойиҳаларни шакллантириш, молиялаштириш ва амалга оширишда иштирок этади;

ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда инновацион фаолият соҳасидаги ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

тегишли ҳудудда инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши;

ваколатли давлат органининг тавсиясига кўра ёки ўз ташаббуси билан инновацион фаолиятни, шунингдек янги ишланмаларни тижоратлаштиришни ва технологиялар трансферини молиялаштиради.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш

Инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш инновацион фаолиятни амалга оширувчи субъектлар учун зарур ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш, инновацион лойиҳалар ҳамда янги ишланмаларни молиялаштириш мақсадида амалга оширилади.

Давлат инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашни қуйидаги йўллар билан амалга оширади:

инновацион ривожлантириш стратегияларини қабул қилиш ва амалга ошириш;

инновацион фаолият соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

инновацион фаолият субъектларига солиқ, божхона имтиёзлари ва преференциялар бериш;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан инновацияларни яратишга оид давлат буюртмасини бажариш;

инновацион фаолиятни молиялаштиришга хўжалик юритувчи субъектлар маблағларини жалб қилиш учун шарт-шароит яратиш;

илм-фан ютуқларига асосланган маҳсулотнинг ва илғор технологияларнинг кафолатланган тарзда татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида уларнинг давлат харидларини ташкил этиш;

инновацион фаолият соҳасида кадрларни тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш.

11-модда. Инновацион ривожлантириш стратегиялари

Инновацион ривожлантириш стратегиялари дунё илм-фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ишланмалар ва технологиялар асосида инсон капиталини, мамлакатни жадал ривожлантириш, инновацион фаолият соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.

Инновацион ривожлантириш стратегиялари ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврлар учун қабул қилиниши мумкин.

Инновацион ривожлантириш стратегиялари давлат ва жамият олдида турган комплекс мақсад ва вазифаларни, тегишли даврга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичларни, шунингдек уларни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаларини белгилайди.

Инновацион ривожлантириш стратегияларининг лойиҳалари ваколатли давлат органи томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, илмий ташкилотларнинг, тадбиркорлик субъектларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва экспертларнинг таклифлари асосида ишлаб чиқилади.

12-модда. Инновацияларни яратишга доир давлат буюртмасини шакллантириш

Инновацияларни яратишга доир давлат буюртмасини шакллантириш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, вазирликлар, идоралар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар таклифлари асосида ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Инновацияларни яратишга доир давлат буюртмаси доирасида бажариладиган инновацион лойиҳаларни танлаб олишнинг асосий мезонлари қуйидагилардан иборат:

импорт ўрнини босишга ва экспортга йўналтирилган ёки сифатни тақомиллаштиришга, жорий этишга тайёр бўлган мавжуд маҳсулотлар ва технологиялар таннархини пасайтиришга қаратилган янги миллий маҳсулотлар ва технологиялар ишлаб чиқилишини, шу жумладан янги иш ўринлари ташкил этиш ва маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда таъминлаш;

тажриба, экспериментал намуналардан, технологиялардан, асбоб-ускуналардан, материаллардан, буюмлардан ва бошқа илмий ишланмалардан келгусида амалда фойдаланиш мақсадида уларни конструкция қилиш, тайёрлаш ҳамда синовдан ўтказиш билан боғлиқ тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш;

илм-фан ютуқларига, юқори технологияга асосланган маҳсулот намуналарини ёки прототипларини тайёрлашни тугаллаш ва (ёки) илм-фан ютуқларига асосланган маҳсулотни ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва (ёки) хизматларни (тиббий, молиявий, ахборотга оид ва бошқа хизматлар) иқтисодиётнинг тегишли тармоғига, ижтимоий соҳага, банк-молия секторига жорий этиш учун уларнинг тажриба-синовини ўтказиш ва бошқалар.

Инновацион лойиҳаларни инновацияларни яратишга доир давлат буюртмаси доирасида амалга оширишнинг энг қўп муддати икки йилдан ошиши мумкин эмас.

Инновацион фаолият инновацияларни яратишга доир давлат буюртмаси доирасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган тақдирда, уларнинг натижалари давлатга тегишли бўлади.

13-модда. Инновацион лойиҳаларнинг техник ва илмий экспертизалари

Инновацион лойиҳаларнинг техник ва илмий экспертизалари инновацион лойиҳаларнинг амалий аҳамиятини, илмий-технологик даражасини ҳамда иқтисодий самарадорлигини комплекс баҳолаш, уларни молиялашти-

ришнинг мақсадга мувофиқлиги ва ҳажми тўғрисида тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида амалга оширилади.

Техник ва илмий экспертизаларни ўтказиш жараёнида иштирокчиларнинг мустақиллиги ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлиги, экспертизалар натижаларининг холислиги, очиқлиги таъминланиши керак, давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно.

Техник ва илмий экспертизалар инновацион лойиҳани амалга ошириш учун бажарилаётган ёки таклиф этилаётган йўналишга мувофиқ бўлган мутахассисларни жалб этиш орқали ўтказилади.

Техник ва (ёки) илмий экспертизаларни ўтказиш жараёнида экспертизалар натижаларидан шахсан манфаатдор бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Техник ва (ёки) илмий экспертизаларни ўтказишда иштирок этган ҳамда қабул қилинган хулосадан норози бўлган эксперт мазкур хулосага ўзининг асослантирилган фикрини илова қилишга ҳақлидир.

Техник экспертиза лойиҳага оид талабноманинг тақдим этилган ҳужжатлари белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлашга, шунингдек лойиҳага оид талабнома бўйича тақдим этилган ахборотни идрок этиш ва таҳлил қилишнинг бузилишига олиб келадиган хатоларни аниқлашга қаратилган фаолиятдир.

Техник экспертизани ўтказиш муддати лойиҳага оид талабнома олинган пайтдан эътиборан ўн беш календарь кундан ошмаслиги керак.

Техник экспертиза қуйидаги тартиб-таомилларни ўз ичига олади:

лойиҳага оид талабноманинг тўлиқ ва тўғри расмийлаштирилганлигини, шунингдек зарур имзолар, муҳрлар ва штампларнинг мавжудлигини текширишни;

берилган лойиҳага оид талабномага ўхшаш бўлган, илгари амалга оширилган лойиҳаларнинг мавжудлигини текшириш ва лойиҳага оид талабномаларнинг такрорланишини аниқлашни;

тақдим этилган молиявий-иқтисодий ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини аниқлашни;

лойиҳага оид талабномада кўрсатилган маълумотларни текширишни, техник хатолар ва ноаниқликларни аниқлашни;

ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган лойиҳаларни техник экспертизадан ўтказиш регламентига мувофиқ бошқа тартиб-таомилларни.

Илмий экспертиза инновацион лойиҳа бўйича асосланган қарор (хулоса) қабул қилиш мақсадида инновацион лойиҳанинг илмий янгилигини, долзарблиги ва амалий аҳамиятини ўрганишга, шу жумладан илмий жамоанинг илмий-услубий салоҳиятини, моддий-техника базасини таҳлил қилиш ҳамда баҳолашга қаратилган фаолиятдир.

Илмий экспертизани ўтказиш муддати лойиҳага оид талабнома олинган пайтдан эътиборан ўттиз календарь кундан ошмаслиги керак.

Илмий экспертизани баҳолаш мезонлари қуйидагилардан иборат:

илм-фан ютуқларига асосланган маҳсулот ишлаб чиқаришни тайёрлаш

(ташкил этиш), ушбу маҳсулотнинг импорт ўрнини босиши ва (ёки) экспортга йўналтирилганлиги бўйича салоҳиятини баҳолаш учун илмий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқишни режалаштиришни назарда тутувчи лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар;

лойиҳани тижоратлаштириш истикболлари;

инновация объектига бўлган талаб даражаси;

интеллектуал мулк объектларига доир муҳофаза ҳужжатларининг мавжудлиги;

лойиҳа ижрочиларида илмий-техник ёки инновацион фаолиятни амалга ошириш бўйича тегишли тажрибанинг ва тажриба-конструкторлик ишлари натижаларининг мавжудлиги;

ишлаб чиқариш базасининг технологик жиҳатдан таъминланганлик даражаси.

Илмий экспертизани ўтказишга хорижлик мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Инновацияларни яратишга доир давлат буюртмаси доирасида бажариладиган инновацион лойиҳалар илмий ва техник экспертизалар ўтказишни назарда тутувчи мажбурий давлат экспертизасидан ўтказилиши лозим.

Давлат илмий ва техник экспертизалари ваколатли давлат органи томонидан ўтказилади.

14-модда. Инновацион фаолият соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш

Давлат инновацион фаолият соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ҳамда амалга оширишга:

инновацион фаолият соҳасида кадрларни тайёрлашга доир давлат буюртмаларини шакллантириш;

инновацион фаолият соҳасида кадрларни тайёрлашга, қайта тайёрлашга ҳамда уларнинг малакасини оширишга доир давлат талаблари ва стандартларини ишлаб чиқиш;

инновацион фаолият соҳасида кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи нодавлат таълим ташкилотлари, касб-хунар таълими марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

илм-фан ва техника ютуқларини тарғиб қилиш;

ёшларнинг техник ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш ва уларни касб-хунарга йўналтириш орқали кўмаклашади.

Давлат инновацион тадбиркорлик соҳасида кадрларни тайёрлашга ихтисослашган давлат таълим ташкилотлари фаолиятига молиявий ёрдам кўрсатади.

3-боб. Инновацион фаолиятни амалга ошириш

15-модда. Инновацион фаолият субъектлари

Инновацион фаолият субъектлари қуйидагилардан иборат:

инновацион фаолиятни амалга оширувчи жисмоний шахслар;

инновацион фаолият соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар;

ташкилий-ҳуқуқий шаклидан ва мулкчилигидан қатъи назар, янги ишланмаларни яратадиган, жорий этадиган ва инновациялардан фойдаланадиган илмий, илмий-тадқиқот, олий таълим, ишлаб чиқариш ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар;

инновациялар ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчилар манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари;

инновацион фаолият жараёнида амалга ошириладиган ва фойдаланиладиган интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқ эгалари;

инновацион фаолиятга инвестиция қилишни амалга оширувчи инвесторлар ва тадбиркорлик субъектлари.

16-модда. Инновацион фаолият субъектларининг ҳуқуқлари

Инновацион фаолият субъектлари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

усулларни, техник воситаларни ва асбоб-ускунани мустақил равишда танлаган ҳамда қўллаган ҳолда эркин инновацион фаолиятни амалга ошириш;

инновацион фаолиятни якка тартибда ёки жамоавий асосда амалга ошириш;

инновацион лойиҳалар танловларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инновацион лойиҳалар танловларида иштирок этиш;

инновацион фаолият хавфларини мустақил белгилаш ва баҳолаш, уларни баҳолаш ҳамда камайтириш усулларини танлаш;

инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган илмий, технологик, статистикага оид ва бошқа ахборотни олиш, давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно;

интеллектуал мулк объектлари яратилган ҳолларда, уларнинг муаллифлари ёки ҳуқуқ эгалари деб эътироф этилиш, шунингдек интеллектуал мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқ, божхона имтиёзларидан ва преференциялардан фойдаланиш;

инновацион фаолият давомида ўзлари олган натижаларни, агар улар давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олмаган бўлса, эълон қилиш.

Инновацион фаолият субъектлари қонун ҳужжатларига ва тузилган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17-модда. Инновацион фаолият субъектларининг мажбуриятлари

Инновацион фаолият субъектлари:

инновацион фаолиятни амалга ошириш чоғида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инновацион лойиҳаларни амалга ошириш доирасида яратилган янги ишланмаларнинг белгиланган тартибда тижоратлаштирилишини таъминлаши;

инновацион фаолиятга йўналтириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланиши;

фуқароларнинг ҳаётига ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги; интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича талабларга риоя этиши шарт.

Инновацион фаолият субъектларининг зиммасида қонун ҳужжатларига ва тузилган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

18-модда. Инновацияларнинг турлари

Инновациялар қуйидаги турларга бўлинади:

маҳсулотга оид инновациялар — техник ва технологик жиҳатдан янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотни (ишларни ва хизматларни) ишлаб чиқишга ҳамда жорий этишга қаратилган инновациялар;

жараёнга оид инновациялар — техник ва технологик жиҳатдан янги ёки такомиллаштирилган ишлаб чиқариш ёхуд таълим усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этишга, шунингдек технологиялар трансферини амалга оширишга қаратилган инновациялар;

маркетингга оид инновациялар — маҳсулотларнинг дизайни ва қадокларидаги ўзгаришларни қамраб олувчи янги ёки такомиллаштирилган усулларни жорий этишга, маҳсулотни (ишларни ва хизматларни) сотиш ва тақдим этишнинг янги усулларида фойдаланишга, янги нархлаш стратегияларини шакллантиришга қаратилган инновациялар;

ташкилий инновациялар — бизнесни ташкил этиш ва юритиш, иш ўринларини ташкил этиш ва ташқи алоқаларни йўлга қўйишнинг янги ёки такомиллаштирилган усуллари жорий этишга қаратилган инновациялар.

19-модда. Инновацион фаолиятнинг амалга ошмаслик хавфлари, уни баҳолаш ва камайтириш усуллари

Инновацион фаолиятнинг амалга ошмаслик хавфлари — инновацион фаолият мақсадига эриша олмаслик, шу жумладан инновацион лойиҳанинг бажарилмаслиги эҳтимолидир.

Инновацион фаолиятнинг амалга ошмаслик хавфлари сиёсий, ташкилий, молиявий, бозорга, тижоратга, саноатга, инвестицияга ва экологияга оид бўлиши мумкин.

Инновацион фаолиятнинг амалга ошмаслик хавфлари инновацион фаолият субъектлари томонидан мустақил тарзда ёки тузиладиган шартномаларга мувофиқ бошқа шахслар томонидан аниқланиши ва баҳоланиши мумкин.

Инновацион фаолиятнинг амалга ошмаслик хавфларини баҳолаш эҳтимол тутилган зарарни камайтириш ёки унинг олдини олиш мақсадида, шу жумладан инновацион лойиҳани молиялаштиришнинг мақсадга мувофиқлигига доир асосланган қарор қабул қилиш учун ўтказилади.

Инновацион фаолиятнинг амалга ошмаслик хавфларини камайтириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

инновацион фаолиятнинг амалга ошмаслик хавфларини инновацион фаолият субъектлари ва давлат ўртасида тақсимлаш;

ресурсларни бошқа инновацион лойиҳалар ўртасида қайта тақсимлаш;

инновацион фаолиятнинг амалга ошмаслик хавфларининг ўрнини қоплаш учун суғурта қилиш механизмларидан фойдаланиш.

Инновацион фаолият хавфларини баҳолашда йўқотилган фойда ҳисобга олинмайди.

Инновацион фаолият субъектлари инновацион лойиҳанинг ўзига хос техникавий ёки иқтисодий хусусиятларидан ва лойиҳанинг амалга оширилишидан келиб чиққан ҳолда инновацион фаолиятнинг амалга ошмаслик хавфларини баҳолашга ҳақли.

20-модда. Технологиялар трансферининг устувор йўналишлари ва усуллари

Технологиялар трансферининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

мавжуд технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган ўхшаш маҳсулотга нисбатан юқори сифатли ва рақобатбардош янги ёки яхшиланган маҳсулот ишлаб чиқариш;

янги ишланмалар ва технологиялар асосида маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқариш;

ўхшаш технологияларга нисбатан энергияни ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш.

Технологиялар трансферининг асосий усуллари қуйидагилардан иборат:

технологияларни бепул асосда олиш;

қўшма корхоналар ташкил этиш орқали технологияларни жорий этиш;

технологияларни лицензия шартномалари асосида жорий этиш;

технологик ҳужжатларни бериш;

технологияларни тўлалигича сотиб олиш.

Технологиялар трансфери қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллар орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

21-модда. Технологиялар трансфери механизмлари

Технологиялар трансфери:

техник тавсифномаларни, техник-иқтисодий асосларни, йўриқномаларни ва бошқа ҳужжатларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;

технологиялар трансферини амалга оширувчи тарафнинг экспертларини жалб қилган ҳолда ўқув тренингларини ташкил этиш;

иншоотлар қуриш ва асбоб-ускуналарни ўрнатиш ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур бўлган техник билимларни ўзлаштириш;

технологияларни жорий этишга қўмаклашувчи механизмлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Технологиялар трансфери бошқа механизмлардан фойдаланган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин.

22-модда. Технологиялар трансферини амалга ошириш чекловлари

Ўзбекистон Республикасига:

таркибида ҳимояланмаган (яъни табиий атроф-муҳитга тарқалувчи) заҳарли моддалар ёки қайта ишланмайдиган, экологик жиҳатдан хавфли чиқиндилар мавжуд бўлган;

белгиланган нормадан юқори радиоактив моддалар мавжуд бўлган;

аҳолининг соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи маҳсулотлар яратиш учун мўлжалланган;

миллий қадриятларга, анъаналарга ва ижтимоий хулқ-атворга салбий таъсир кўрсатувчи маҳсулотларни яратиш ҳамда тарғиб қилиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар ва маҳсулотлардан фойдаланишга асосланган технологиялар трансферига йўл қўйилмайди.

23-модда. Технологиялар трансфери учун шартнома тузиш ва рўйхатдан ўтказиш

Технологиялар трансфери қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқ мавжудлиги ва ундан тушган фойда технологиялар трансфери учун шартнома тузишнинг асосий шarti ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига харид қилинадиган технологиялар трансфери учун шартномалар ваколатли давлат органи томонидан рўйхатга олинади.

24-модда. Янги ишланмаларни тижоратлаштириш

Фойда олиш мақсадида инновацион фаолият субъектлари муносабатларини тартибга солувчи ҳар хил турдаги шартномалардан фойдаланган ҳолда янги ишланмаларни фуқаролик муомаласига жорий этиш жараёни янги ишланмаларни тижоратлаштиришдир.

Янги ишланмаларни тижоратлаштириш:

янги ишланмаларни қўллаган ҳолда яратилган товарларни (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш) реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

таъсисчиси ёки таъсисчиларидан бири устав жамғармасига улуш сифатида интеллектуал мулк объектини ёки технологияни киритган ташкилот (аффилланган ташкилот) бўлган тижорат ташкилотларини ташкил этиш;

интеллектуал мулк объектларига бўлган мулк ҳуқуқларини учинчи шахсларга ўтказиш ва мазкур объектлардан фойдаланишга бўлган ҳуқуқни

роялти ажратмаларига асосланган лицензия шартномаларини тузиш йўли билан бериш, шу жумладан уларни кейинчалик ушбу ҳуқуқларни олувчи томонидан тижоратлаштириш шarti билан бериш орқали амалга оширилади.

Интеллектуал мулк объектига доир ҳуқуқ эгасининг ташкилот устав фондидаги улуши миқдори таъсисчиларнинг ўзаро келишуви бўйича белгиланади.

Давлат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган ёки давлат сирлари жумласига кирувчи маълумотларни ўз ичига олган янги ишланмаларни тижоратлаштириш давлат сирларини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4-боб. Инновацион инфратузилма

25-модда. Инновацион инфратузилманинг субъектлари

Инновацион инфратузилманинг субъектларига қуйидагилар киради:

инновацион технологик парк;
технологиялар трансфери маркази;
инновацион кластер;
венчур ташкилоти;
инновация маркази.

Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, бошқа шахслар инновацион инфратузилманинг субъектлари бўлиши мумкин.

26-модда. Инновацион технологик парк

Инновацион технологик парк дирекцияси номидан инновацион технологик парк (бундан буён матнда инновацион технопарк деб юритилади) инновацион фаолиятни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиладиган ягона моддий-техника мажмуаси бўлган ҳудудга мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосларда эгалик қилувчи юридик шахсдир.

Инновацион технопарк резиденти инновацион технопарк ҳудудида инновацион лойиҳани амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахсдир.

Инновацион технопарк фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга кўмаклашиш;

инновацион тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш;

инновацион фаолият субъектларига моддий-техник, ташкилий-услубий, молиявий, ахборотга оид, маслаҳат хизматлари ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш;

инновацион лойиҳаларни бошқаришда кўмаклашиш;

янги ишланмаларнинг тажриба-саноат синовларини ўтказиш ва интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқий муҳофаза берилишига кўмаклашиш;

юқори технологик ва инновацион ишлаб чиқаришларни ташкил этишдан манфаатдор бўлган маҳаллий, хорижий инвесторларни ҳамда тадбиркорлик субъектларини жалб этиш;

инновацияларни ташқи бозорда илгари суриш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда қўмаклашиш;

инновацион фаолият субъектлари ўртасида узвий ва амалий ҳамкорликни таъминлаш.

Инновацион технопаркнинг асосий вазифаси унинг резидентларини қуйидаги йўллар билан қўллаб-қувватлашдан иборат:

бозорда реализация қилиш учун янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот чиқарувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қўмаклашиш, шунингдек янги ёки такомиллаштирилган технологияларни ўзлаштириш;

кўчар ва кўчмас мулкни, шу жумладан турли функционал мақсадларга мўлжалланган хоналарни шартнома асосида ижарага бериш;

тажриба намунасини тайёрлаш ҳамда уларнинг синовларини ўтказиш билан боғлиқ ишларни ва бошқа тажриба-конструкторлик ишларини бажариш;

маҳсулотни сертификатлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш бўйича хизматлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқий муҳофаза бериш бўйича хизматлар кўрсатиш;

кўргазмаларда, конференцияларда ва бошқа тадбирларда уларнинг иштирок этишини ташкил қилиш орқали инновацион маҳсулотни, технологияларни илгари суриш;

инновацион технопаркнинг илмий, илмий-техникавий ва инновацион фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш).

Резидентлардан лаборатория асбоб-ускуналарининг, ишлаб чиқариш, офис хоналарининг ва бошқа хоналарнинг ижараси, кўрсатиладиган хизматлар учун келиб тушадиган маблағлар тўлиқ ҳажмда инновацион технопарк тасарруфида қолади.

Инновацион технопаркнинг фаолият кўрсатиш муддати ўттиз йилгача ташкил этади, кейинчалик бу муддат узайтирилиши мумкин.

Инновацион технопарк резидентининг мақоми танлов асосида ўн йил муддатгача берилади.

Инновацион технопаркнинг резидентлар билан муносабатлари улар ўртасида тузиладиган инновацион фаолиятни амалга оширишга доир шартномалар асосида ташкил этилади.

Инновацион технопаркка ҳамда унинг резидентларига қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ, божхона имтиёзлари ва преференциялар белгилаши мумкин.

Инновацион технопаркни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Инновацион технопаркнинг фаолияти ваколатли давлат органи томонидан мувофиқлаштирилади.

27-модда. Технологиялар трансфери маркази

Технологиялар трансфери маркази технологиялар трансферини ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштиришни таъминлаш мақсадида ташкил этилган юридик шахсдир.

Технологиялар трансфери маркази фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

янги ишланмаларни илгари суриш ташкилий-техникавий имкониятларини аниқлаш бўйича бозор конъюнктураси тадқиқотларини ўтказиш;
муҳандислик-маслаҳат ва лойиҳа (инжиниринг) хизматлари кўрсатиш;
бизнес-режалар тайёрлаш бўйича хизматлар кўрсатиш;
инвестицияларни жалб қилиш;
технологиялар трансфери билан боғлиқ ахборотни тарқатиш.

Технологиялар трансфери марказини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

28-модда. Инновацион кластер

Инновацион кластер тегишли ҳудудда инновацияларни яратишда иштирок этувчи инновацион фаолият субъектларининг, инновацион фаолият натижалари истеъмолчиларининг йиғиндиси сифатида юридик шахс ташкил этмасдан тузилади ва ушбу субъектларнинг, истеъмолчиларнинг асосий мақсади самарали ҳамкорлик қилишдан, қувватлардан биргаликда фойдаланишдан ҳамда билимлар, кўникмалар алмашишдан, шунингдек технологиялар трансферига улушни таъминлаш орқали инновацион фаолиятни рағбатлантиришдан иборат бўлади.

Инновацион кластер фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

муайян инновацияларни яратиш, шунингдек бозор эҳтиёжларини қаноатлантириш учун илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш соҳасидаги инновацион фаолият субъектларининг салоҳиятини бирлаштириш;

инновацион кластерлар фаолиятига тааллуқли бўлган кадрларни тайёрлашга ва қайта тайёрлашга, шу жумладан инновацияларни яратишга доир буюртмаларни шакллантириш;

янги ёки яхшиланган ишланмаларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги тармоқлар ва корхоналар ташкил этишга кўмаклашиш;

инновацион фаолият натижаларини биргаликда бозорда илгари суриш.

Инновацион кластер иқтисодиёт эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, инновацион фаолият субъектларининг ўзаро манфаатдорлиги асосида ташкил этилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларнинг қарори бўйича тугатилади.

29-модда. Венчур ташкилотлар, фондлар, ширкатлар

Асосий фаолият тури хавфли инновацион лойиҳалар амалга оширилишини молиялаштиришдан иборат бўлган ҳам юридик шахс шаклида ташкил этиладиган, ҳам юридик шахс сифатида ташкил этилмайдиган ихтисослаштирилган молия институтлари венчур ташкилотлар, фондлар, ширкатлардир (бундан буён матнда венчур ташкилотлар деб юритилади).

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахслар венчур ташкилотларининг таъсисчиси бўлиши мумкин.

Венчур ташкилотлари:

янги ташкил этилаётган юридик шахсларнинг устав фондида улуш асо-
сида иштирок этишга;

ўз маблағларини янги ишланмаларни амалга ошириш учун гаровсиз,
кафилликсиз ва кафолатсиз беришга ҳақли.

Венчур ташкилотларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш
қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъсисчиларнинг қарорига би-
ноан амалга оширилади.

30-модда. Инновация маркази

Инновация маркази инновацион фаолият соҳасида янги ғояларни яратиш-
дан янги ишланмаларни тижоратлаштиришгача бўлган тўлиқ ишлар турку-
мини амалга ошириш мақсадида юридик шахс шаклида ташкил этилади.

Инновация маркази фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан
иборат:

янги ғоялар ва ишланмалар базасини шакллантириш;

янги ғояларни такомиллаштириш ва кучайтириш бўйича чора-тадбир-
лар кўриш (акселерация);

инновацияларга янги ғоялар ва ишланмаларни татбиқ этиш учун мод-
дий-техник шарт-шароитларни таъминлашга кўмаклашиш;

инновацион менежмент бўйича тренинглар ўтказиш;

инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ва уларни амалга ошириш-
га кўмаклашиш;

маркетинг тадқиқотлари ўтказиш;

янги ишланмаларни бозор талабларига йўналтириш ва мослаштириш
бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

инновацион фаолият субъектлари ўртасида кооперацияни ривожлантириш;

янги ғоялар, ишланмалар ва технологияларни оммалаштириш мақсадида
реклама ва кўргазмага оид хизматлар кўрсатиш.

Инновация марказини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш
қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5-боб. Инновацион фаолиятни молиялаштириш

31-модда. Инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари

Инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари жумласига қуйида-
гилар ки-ради:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ҳамда вилоят-
лар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари;

Инновацион ривожланишни ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш
жамғармаси;

инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармалари;

венчур жамғармалари;

инновацион фаолият субъектларининг ўз маблағлари;

халқаро грантлар, тижорат банкларининг, шу жумладан чет эл банкларининг ва халқаро молия институтларининг мақсадли кредитлари;
хусусий инвесторларнинг, шу жумладан чет эллик хусусий инвесторлар ва бошқа ҳомийларнинг маблағлари;
конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

32-модда. Инновацион ривожланишни ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Инновацион ривожланишни ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси инновацион фаолиятни ривожлантиришни молиялаштириш мақсадида ваколатли давлат органи ҳузурида, юридик шахс шаклида ташкил этилади.

Инновацион ривожланишни ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағлари қуйидагиларга йўналтирилади:

устав фондида давлат улуши бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг буюртмаларига мувофиқ инновацион фаолиятга оид тадбирларни молиялаштириш;

инновацион фаолият субъектлари томонидан инновацияларни яратиш ва уларни жорий қилишни молиялаштириш;

инновацион, тажриба-конструкторлик ва стартап лойиҳаларини танлаб олиш асосида молиялаштириш;

илмий лабораторияларни замонавий юқори технологияга асосланган асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш), шунингдек зарур сарф материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш бўйича тадбирларни молиялаштириш;

илмий фаолият бўйича давлат дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни (патентларни) хорижда рўйхатдан ўтказиш ва патентни сақлаб туриш харажатларининг ўрнини қоплаш;

илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг етакчи электрон илмий маълумотлар базаларидан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек халқаро нашрларда илмий натижаларни чоп этишга тайёрлаш бўйича харажатларни тўлаш;

олимларнинг етакчи хорижий илмий ташкилотлардаги (марказлардаги, университетлардаги ва бошқа ташкилотлардаги) илмий стажировкаларини молиялаштириш;

илмий ва инновацион фаолият соҳасидаги жалб қилинаётган юқори малакали хорижлик олимлар ва мутахассисларнинг харажатларини (меҳнатга ҳақ тўлаш, транспорт харажатлари ва бошқалар) улар билан тузиладиган шартномалар (контрактлар) асосида молиялаштириш.

Инновацион ривожланишни ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағлари қуйидагилар ҳисобидан шакллантирилади:

келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини қабул қилишда белгиланадиган миқдорларда устав фондида 50 ва ундан ортиқ фоиз давлат улуши бўлган ҳўжалик жамиятларидаги давлат улуши бўйича ҳисобланадиган дивидендларнинг ҳамда давлат корхоналарининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ажратмаларининг бир қисми;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига патент божларидан, йиғимлардан ва солиқ тоифасига кирмайдиган бошқа тўловлардан келиб тушадиган валюта маблағларининг бир қисми;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари;
халқаро молия ташкилотлари ва институтларининг грантлари ҳамда кредитлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Инновацион ривожланишни ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ҳамда тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

33-модда. Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармалари

Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармалари технологияларни яратиш, жорий этиш, ишлаб чиқариш, уларнинг трансфери ва янги ишланмаларни тижоратлаштириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш мақсадида, юридик шахс тузмасдан ташкил этилади.

Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаларининг маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

инновацион фаолият соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш;

инновацион фаолият субъектлари томонидан тақдим этиладиган буюртмаларга мувофиқ инновацион лойиҳаларни, янги ишланмаларни тижоратлаштиришни ва технологиялар трансферини молиялаштириш;

инновацион фаолият субъектларини моддий рағбатлантириш, уларнинг илмий тадқиқотларини молиялаштириш ва кадрлар малакасини ошириш, ушбу субъектларнинг моддий-техника ва илмий-лаборатория базасини мустаҳкамлаш.

Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармалари қайтариш шартлари асосида ёки беғараз асосда маблағлар ажратиши, шунингдек инновацион фаолият субъектларининг мажбуриятлари бўйича кафил сифатида иш юритиши мумкин.

Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

34-модда. Инновацион фаолият соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Инновацион фаолият соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Инновацион фаолият соҳасидаги халқаро ҳамкорлик қуйидагилар асосида амалга оширилади:

манфаатдор хорижий ташкилотлар, жамғармалар ва инвесторлар билан тузилган шартномалар ёки меморандумлар;

биргаликда инновацион фаолиятни амалга ошириш, халқаро инновацион дастурлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, уларни амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш;

инновацион фаолият соҳасида биргаликда кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш;

инновацион фаолият соҳасида халқаро конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, инновацион ярмаркалар (кўргазмалар) ва тадбирлар ўтказиш.

35-модда. Низоларни ҳал этиш

Инновацион фаолият соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

36-модда. Инновацион фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Инновацион фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

37-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

38-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

39-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириadi.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 24 июль,
ЎРҚ–630-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

326 Ер ресурслари ва давлат мулки объектларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ер участкаларидан, айниқса соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлардан оқилона фойдаланиш, республиканинг туристик туманларида давлат мулки объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан берилган қуйидагилар бекор қилинади:

а) ер солиғи бўйича қуйидагилар томонидан эгалланган ер участкалари: соғломлаштириш ҳамда дам олиш жойлари, хусусан дам олиш уйлари; аҳолининг оммавий дам олиши ва туризм учун жойлар, агар улар тадбиркорлик фаолияти учун ажратилган бўлса;

санаторий-курорт объектлари, агар улар туристик зоналарда жойлашган бўлса;

б) мол-мулк солиғи бўйича санаторий-курорт хизматлари кўрсатиш учун фойдаланиладиган кўчмас мулк объектлари, агар улар туристик зоналарда жойлашган бўлса.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига туристик зоналарда алоҳида санаторий-курорт объектлари эгаллаган ерлар учун мол-мулк солиғи ва ер солиғининг камайтирилган ставкаларини қўллаш ёки ушбу солиқларни тўлашдан озод қилиш ваколати берилсин.

Вазирлар Маҳмаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мазкур банддан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш бўйича қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

2. Фойдаланилмаётган майдонларга нисбатан ер солиғининг оширилган ставкаларини қўллаш бўйича белгиланган тартиб 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб мазкур Фармоннинг 1-банди «а» кичик бандида кўрсатилган ер участкаларига татбиқ этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда фой-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 15 июлда эълон қилинган.

даланилмаётган соғломлаштириш ва рекреацион ер майдонлари учун оширилган солиқ ставкаларини қўллаш механизми бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 1 сентябрга қадар бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав фондида (капиталида) давлат улуши миқдори 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, уларнинг таркибий бўлинмаларига тегишли бўлган Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган аҳолининг дам олиш ва саломатлигини тиклаш билан боғлиқ идоравий дам олиш уйлари, пансионатлар, санаторийлар ва бошқа объектларни (болалар дам олиш лагерларидан ташқари) белгиланган тартибда хусусий секторга сотиш бўйича таклиф киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда республиканинг бошқа ҳудудларида жойлашган шунга ўхшаш объектларни хусусий секторга сотиш бўйича таклифларни киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2021 йил учун Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлашда республиканинг туристик зоналаридаги алоҳида ер участкалари, шу жумладан, жисмоний шахслар фойдаланишида бўлган 1 гектардан ортиқ ер участкалари учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер солиғининг 3 бараваригача оширилган ставкасини белгилаш имкониятини кўзда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сон Фармони 4-бандининг «в» кичик бандидаги «фойдаланилмаётган» сўзи «юридик ёки жисмоний шахс ўз фаолиятини коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун киритилган чеклов чоралари туфайли тўхтатишга мажбур бўлган ҳолларда, фойдаланилмаётган» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 июль,
ПФ-6027-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**327** **Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини ка-**
майтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари,
умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қув-
ватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида*

Коронавирус пандемияси даврида аҳолини, айниқса, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадларини таъминлаш, санитария-эпидемиологик вазият яхшиланишига қараб ушбу субъектларни жадал қайта тиклаш, шунингдек, иш ўринларини сақлаб қолиш мақсадида:

1. Белгилансинки:

а) 2020 йил 1 июлдан 2020 йил 31 декабрга қадар:

умумий овқатланиш корхоналари ва биноларни ижарага беришга ихтисослашган корхоналар айланмадан олинадиган солиқни тўлашдан озод этилади;

жисмоний шахслар кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўлашдан озод этилади;

мол-мулкни (бинолар ва автомобиль транспорти) ижарага берувчи жисмоний шахсларга солиқ мақсадида ижара тўловларининг энг кам ставкаларини қўллаш тартиби тўхтатиб турилади;

ижарага берувчиларга 2020 йил учун ижара тўлови миқдорини пасайтириш мақсадида, шу жумладан, тақдим этилаётган солиқ имтиёзларини инобатга олган ҳолда ижара тўловини қайта кўриб чиқиш тавсия этилсин;

б) 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 31 декабрга қадар умумий овқатланиш корхоналари алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимни тўлашдан озод қилинади;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5969-сон Фармонида белгиланган алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг ажратмалари миқдорини 5 фоиздан 3 фоизга пасайтиришга доир имтиёз муддати 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирилади;

г) умумий овқатланиш корхоналарига алкоголь маҳсулотларини етказиб бериш орқали сотиш ҳуқуқи берилади.

2. Умумий овқатланиш корхоналари учун кичик тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллаган ҳолда, уларни кичик корхоналар тоифасига киритиш мақсадида 2020 йил 1 июлдан бошлаб умумий овқатланиш корхоналари учун белгиланган ходимларнинг йиллик ўртача сони 25 нафардан 50 нафарга оширилсин.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 20 июлда эълон қилинган.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 июлга қадар умумий овқатланиш корхоналари карантин чекловларининг бекор қилинишига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган жойлаштириш, қуриш ва фойдаланиш бўйича вақтинчалик талабларга риоя қилган ҳолда ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларини хабардор қилиш орқали истеъмолчиларга овқатланиш хизматларини кўрсатиш учун ўзларига туташ бўш ер участкаларида енгил конструкцияларни бепул жойлаштириш ва қуриш ҳуқуқига эга.

4. Белгилансинки, 2021 йил 1 июлга қадар карантин чекловларининг бекор қилинишига қараб тадбиркорлик субъектларига маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан шартнома тузмасдан давлат солиқ хизмати органларини савдо муддати, маҳсулоти ва транспорт тўхташи тақиқланмаган жойларни кўрсатган ҳолда хабардор қилиш орқали автодўкон, автомагазин, автотиркама, автоцистерна ва фудтраклар орқали савдо қилиш ҳуқуқи тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ўзининг расмий сайти ва мобиль иловалар орқали кўчма савдони бошлаш тўғрисида электрон хабарномаларни бепул қабул қилишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки кун муддатда умумий овқатланиш корхоналарида истеъмолчиларга овқатланиш ёки хордиқ чиқариш хизматларини кўрсатиш учун енгил конструкцияларни жойлаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича вақтинчалик талабларни тасдиқласин;

2021 йил 1 январга қадар халқаро тажрибадан келиб чикиб, умумий овқатланиш корхоналарининг мавсумий кафелари ишлаши, шунингдек, кўчма савдони амалга ошириш тартибини тасдиқласин.

6. Белгилансинки, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган ҳолларда, солиқ тўловчиларга солиқ ҳисоботларини тақдим этиш муддатларини беш кундан кўп бўлмаган муддатга кечиктирганлик учун жарима солинмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5996-сон Фармонида белгиланган қуйидаги солиқ имтиёзлари ва преференциялари 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирилсин:

а) мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилиш бўйича берилган имтиёзлар:

кичик тадбиркорлик субъектлари;

бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, маиший хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан, банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар учун;

б) ижтимоий солиқ ставкасини 12 фоиздан 1 фоизга пасайтириш бўйича микрофирма ва кичик корхоналар учун берилган имтиёзлар (акцизоси

махсулотлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устав жамғармасида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахслар бундан мустасно);

в) божхона органларига мурожаат қилган кунгача бир йилдан кам бўлмаган муддат давомида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган микрофирма ва кичик корхоналарга, кейинчалик кечиктирилган суммани 120 кун мобайнида тенг улушларда тўлаш шarti билан, товарларни (истеъмол товарларидан ташқари) олиб киришда ундириладиган божхона божи ва акциз солиғини тўлаш муддатини кечиктиришни тақдим этиш;

г) микрофирма ва кичик корхоналарда 2020 йил 15 май ҳолатига солиқлар, пенялар ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун ҳисобланган жарималар бўйича мавжуд бўлган қарздорликни ундиришни тўхтатиш.

Белгилансинки, умумий овқатланиш корхоналари ижтимоий солиқнинг пасайтирилган ставкасини ишчиларнинг сонидан қатъи назар қўллайди.

8. Ваколатли органлар аудиторлар, риэлторлар, баҳоловчилар, актуарийлар, аптека ва уларнинг филиаллари мудирлари, туристик ташкилотларнинг ишчилари ва гидлар (экскурсоводлар), хорижий тилларга ўқитувчиларнинг 2020 йил 1 мартда тугайдиган малакавий сертификатлари муддатини навбатдаги малакавий имтиҳонларни ўтказиш санасига қадар узайтирсин.

9. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондига, «Саховат ва кўмак» фондига, «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондига, шу жумладан, уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги бўлинмаларига беғараз ёрдам бериш (беғараз ёрдам олиш) қисмида фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, айланмадан олинadиган солиқ ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича имтиёзларнинг амал қилиши 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирилсин.

Маълумот учун қабул қилинсинки, 14 ёшгача болалари бўлган oilаларга нафақа, шунингдек, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича оналарга бериладиган нафақалар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ҳисоблашда жами даромадга киритилмайди.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 20 июль,
ПФ-6029-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**328 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–5853-сон Фармони ва 2019 йил 19 августдаги «Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4421-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 21 июль,
ПФ–6031-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 21 июлдаги
ПФ–6031-сон Фармонига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5812-сон Фармонида:

3-иловадан 87-позиция чиқариб ташлансин;

5-илова қуйидаги мазмундаги 33¹-позиция билан тўлдирилсин:

«

33 ¹ .	3.	Оқдарё тумани	Самарқанд агроиқтисодиёт коллежи	1 365	Тошкент давлат аграр университети
-------------------	----	---------------	----------------------------------	-------	-----------------------------------

».

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 22 июлда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 6 ноябрдаги «Ислом тараққиёт банки иштирокида «Хоразм вилояти Тошсоқ тизимидаги магистрал суғориш каналларини қайта тиклаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1849-сон қарори рус тилидаги матнида:

2-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Комплекс по вопросам инвестиций, инновационного развития, координации деятельности свободных экономических и малых промышленных зон Кабинета Министров» сўзлари «Министерство водного хозяйства» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банддаги «в области агропромышленного комплекса и продовольственного обеспечения» сўзлари «в сфере водного хозяйства при Министерстве водного хозяйства Республики Узбекистан (далее — Агентство)» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг иккинчи хатбошисидан «по реализации проектов в области агропромышленного комплекса и продовольственного обеспечения (далее — Агентство)» сўзлари чиқариб ташлансин;

11, 12 ва 13-бандлардан «по реализации проектов в области агропромышленного комплекса и продовольственного обеспечения» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 мартдаги «Жаҳон банки иштирокида «Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2324-сон қарори рус тилидаги матнида:

а) 2-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Министерство сельского и водного хозяйства» сўзлари «Министерство водного хозяйства» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Центру реализации инвестиционных проектов в сельском и водном хозяйстве при Министерстве сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан (далее — Центр)» сўзлари «Агентству по реализации проектов в сфере водного хозяйства при Министерстве водного хозяйства Республики Узбекистан (далее — Агентство)» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Министерству водного хозяйства Республики Узбекистан совместно с Советом Министров Республики Каракалпакстан обеспечить выделение помещения в г. Бустане Элликалинского района для передачи Агентству в безвозмездное пользование»;

олтинчи хатбошидаги «Центра» сўзи «Агентства» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 3, 9, 10, 11-бандлардан «сельского и» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 апрелдаги «Ислом тараққиёт банки иштирокида «Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Хазарбоғ-Оққапчиғай каналлар тизимини қайта тиклаш)» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2332-сон қарори рус тилидаги матнида:

а) 2 ва 4-бандларнинг иккинчи хатбошисидан «сельского и» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 5-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Центром реализации инвестиционных проектов в сельском и водном хозяйстве при Министерстве сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан (далее — Центр)» сўзлари «Агентством по реализации проектов в сфере водного хозяйства при Министерстве водного хозяйства Республики Узбекистан (далее — Агентство)» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Центра» сўзи «Агентства» сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Министерству водного хозяйства Республики Узбекистан совместно с хокимиятом Сурхандарьинской области обеспечить выделение помещения в Алтынсайском районе для передачи Агентству в безвозмездное пользование»;

в) 9 ва 10-бандлардаги «Министерства сельского и водного хозяйства» сўзлари «Министерства водного хозяйства» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 11-банддаги «труда и социальной защиты населения» ва «Министерство сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан» сўзлари тегишинча «занятости и трудовых отношений» ва «Агентства» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 1-илова изоҳининг иккинчи хатбошисидаги «группы управления проектом в г. Ташкенте и группы реализации проекта в Сурхандарьинской области» ва «Министерства сельского и водного хозяйства» сўзлари тегишинча «группы реализации проектом в г. Ташкенте и в Сурхандарьинской области» ва «Министерства водного хозяйства» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 августдаги «Аму-Бухоро ирригация тизимини тиклаш» лойиҳасини амалга оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2396-сон қарорида:

а) 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Сув хўжалиги вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банддаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Сув хўжалиги вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-илова изоҳининг рус тилидаги матнида:

учинчи хатбошидаги «Минсельводхоз» сўзи «Минводхоз» сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидан «сельского и» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 сентябрдаги «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик секторини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2410-сон қарори рус тилидаги матнида:

2-банднинг учинчи хатбошисидан, 5, 6, 9 ва 10-бандлардан «и водного» сўзлари чиқариб ташлансин;

4-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентство по реструктуризации сельскохозяйственных предприятий при Министерстве сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан» сўзлари «Агентство по реализации проектов в области агропромышленного комплекса и продовольственного обеспечения при Министерстве сельского хозяйства Республики Узбекистан» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банддаги «Агентством по реструктуризации сельскохозяйственных предприятий при Министерстве сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан» сўзлари «Агентством по реализации проектов в области агропромышленного комплекса и продовольственного обеспечения при Министерстве сельского хозяйства Республики Узбекистан» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги «2017-2018 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш қувватларини ташкил этиш ҳамда қайта ишлашни чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–2716-сон қарори рус тилидаги матни 6-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентству по реструктуризации сельскохозяйственных предприятий при Министерстве сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан» сўзлари «Агентству по реализации проектов в области агропромышленного комплекса и продовольственного обеспечения при Министерстве сельского хозяйства Республики Узбекистан» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги «2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ–2731-сон қарорига 1-иловининг 67-позицияси «Масъуллар» устунидаги «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий ўзгартириш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги «Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги «Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг Орол денгизи ҳавзасига таъсирини юмшатиш дастури» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2784-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) 2-бандда:

учинчи хатбошидан «и водного» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги «Агентство по реструктуризации сельскохозяйственных предприятий при Министерстве сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан» сўзлари «Агентство по реализации проектов в области агропромышленного комплекса и продовольственного обеспечения при Министерстве сельского хозяйства Республики Узбекистан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4, 5, 9 ва 10-бандлардан «и водного» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 6-банднинг учинчи хатбошисидаги «Агентством по реструктуризации сельскохозяйственных предприятий при Министерстве сельского хозяйства

Республики Узбекистан» сўзлари «Агентством по реализации проектов в области агропромышленного комплекса и продовольственного обеспечения при Министерстве сельского хозяйства Республики Узбекистан» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 февралдаги «Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси иштирокидаги «Ўзбекистоннинг сутчилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2795-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) 2-бандда:

учинчи хатбошидан «и водного» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги «Агентство по реструктуризации сельскохозяйственных предприятий при Министерстве сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан» сўзлари «Агентство по реализации проектов в области агропромышленного комплекса и продовольственного обеспечения при Министерстве сельского хозяйства Республики Узбекистан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4, 5, 9 ва 10-бандлардан «и водного» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 6-банднинг учинчи хатбошисидаги «Агентством по реструктуризации сельскохозяйственных предприятий при Министерстве сельского хозяйства Республики Узбекистан» сўзлари «Агентством по реализации проектов в области агропромышленного комплекса и продовольственного обеспечения при Министерстве сельского хозяйства Республики Узбекистан» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3165-сон қарорига 1-иловадан 23-позиция чиқариб ташлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 сентябрдаги «Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-фаза» лойиҳасини Жаҳон банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3282-сон қарорида:

2-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агросаноат комплекси ва озиқ-овқат таъминоти соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банддаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

12 ва 13-бандлардаги «Агросаноат комплекси ва озиқ-овқат таъминоти соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш агентлигининг» сўзлари «Агентликнинг» сўзи билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3586-сон қарори 8-банди биринчи хат-

бошисидаги «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги» сўзлари «Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3671-сон қарори 8-бандида:

биринчи хатбошидаги «(К.В. Акмалов)» сўзлари «(А.А. Абдухакимов)» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи — олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги «Тошкент давлат аграр университетида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3704-сон қарорида:

а) 1-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 2-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

в) 3-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — еттинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади»;

г) 4-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

д) 11-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Тошкент давлат аграр университетининг Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган «Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази» ДУК ўрнида «Ахборот-маслаҳат маркази (extension center)» ДУК ташкил этилсин»;

иккинчи хатбошидаги «Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази» сўзлари «Ахборот-маслаҳат маркази (extension center)» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 12-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 1, 1а, 1б ва 1в-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июндаги «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш» лойиҳасини амалга

ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3790-сон қарори 6-бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидаги «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги» сўзлари «Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 октябрдаги «Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ПҚ-3956-сон қарори 5-бандининг «а» кичик банди олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан жамоат экологик назоратини амалга оширишда ҳамкорлик қилиш».

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги «Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4020-сон қарорида:

а) 10-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги»;

«а» кичик бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «Инновацион ривожланиш вазирлиги» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 19-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаевга — уруғчиликнинг замонавий тизимини шакллантириш, бирламчи уруғчилик, янги ва истиқболли навларни синаш билан шуғулланувчи уруғчилик клас-терлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа корхоналар фаолиятини самарали ташкил этиш, иссиқхона хўжалиги соҳасида тадбиркорлик фао-лиятини ташкил этишда тадбиркорлик субъектларига ахборот-маслаҳатлар билан кўмаклашиш, марказнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, шу-нингдек, ҳокимлар билан биргаликда мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган тадбирларни самарали амалга ошириш учун»;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокида «Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳаси-ни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4021-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агросаноат мажмуи ва озиқ-ов-қат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги) Лойи-

ҳанинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши, уни мувофиқлаштириш ва бошқариш, шунингдек, Лойиҳани амалга ошириш даврида мониторинг ва ҳисоботни юритиш учун масъул ижро этувчи орган ҳисобланади».

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 февралдаги «Қарши насос станциялари каскадини капитал-қайта тиклаш (III фаза)» лойиҳасини амалга оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4170-сон қарори 2-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги Сув хўжалиги вазирлиги ва» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4243-сон қарорида:

8-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Инновацион ривожланиш вазирлиги» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг биринчи хатбошисидаги «Инновацион ривожланиш вазирлиги» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-илованинг изоҳидаги «Инновацион ривожланиш вазирлиги» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги «Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4273-сон қарорига 4-илованинг 7-банди* қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-4292-сон қарорида:

1-банднинг учинчи хатбошисидаги «132» рақами «143» рақами билан алмаштирилсин;

1 ва 2-иловалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 июлдаги «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4399-сон қарорида:

2-банднинг учинчи хатбошисидаги «Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

* 7-банд «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5-илованинг 2-позицияси «Қарорнинг бандлари, амалга ошириладиган чора-тадбирлар» устунисидаги «Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4406-сон қарорида:

2-банднинг биринчи хатбошиси «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,» сўзларидан кейин «унинг ҳузуридаги» сўзлари билан тўлдирилсин;

3-банднинг учинчи хатбошиси «Қишлоқ хўжалиги вазирлигини лойиҳанинг буюртмачиси ҳамда» сўзларидан кейин «унинг ҳузуридаги» сўзлари билан тўлдирилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 августдаги «Ўзбекистон Республикасида мувофиқликни баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш ва синов лабораториялари комплексини ривожлантириш тўғрисида»ги ПҚ-4419-сон қарори 6-бандидаги «Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 августдаги «Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4421-сон қарорида:

а) 6-банднинг «в» кичик бандида:

иккинчи хатбошисидаги «олий мактаблар» сўзлари «техникумлар» сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «олий мактабларни» сўзлари «техникумларни» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 7-банднинг биринчи хатбошисидаги «олий мактабда» сўзлари «техникумда» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 10-банднинг учинчи хатбошисидаги «олий мактаб» сўзлари «техникумлар» сўзи билан алмаштирилсин.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 ноябрдаги «Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4512-сон қарори 3-бандининг учинчи хатбошисидаги ва 17-бандидаги «Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

**329 Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш
ва уларнинг айланмасини тартибга солиш соҳасида
бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида***

Республикада виночилик соҳасини жадал ривожлантириш, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш соҳасида замонавий бошқарув тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмларини ошириш, алкоголь маҳсулотлари ноқонуний айланмасига чек қўйиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси негизида Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик);

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясининг бюджетдан ташқари жамғармаси негизида Агентликнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган Виночиликни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

2. Агентликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, виночилик соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, шунингдек, соҳани ривожлантиришга йўналтирилган комплекс дастурларни амалга ошириш;

виночилик хом ашё базасини мустаҳкамлашга ва саноатбоп тоқзорлар плантацияларини кенгайтиришга, виночилик корхоналарини комплекс модернизациялашга, замонавий ресурс тежовчи технологияларни жорий этишга ҳамда виночилик соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиш;

маҳаллий вино тайёрловчиларнинг халқаро миқёсда рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, соҳага инвестицияларни жалб этишда узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш;

ўзбек виноларининг миллий брендини яратиш ва уни жаҳон бозорларида кенг тарғиб қилиш тадбирларини амалга ошириш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 24 июлда эълон қилинган.

ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг айланмаси ҳажмларини, шу жумладан, замонавий ахборот тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш орқали мониторинг қилиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда техник ва технологик нормаларга риоя этилиши ҳамда сақланиш сифатини, шу жумладан, уларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хом ашё ва ёрдамчи материаллар сифатини назорат қилиш.

3. Агентлик:

алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни амалга оширувчилар томонидан лицензия талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

алкоголь ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун корхоналар ўртасида истеъмол этил спиртини белгиланган тартибда тақсимлаш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг қўйидаги вазифа ва функциялари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига ўтказилсин:

узумнинг хўраки ва кишмишбоп навлари плантацияларини кенгайтириш, узумчиликни жадал ривожлантиришга йўналтирилган комплекс мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

узумчилик корхоналарини комплекс модернизациялашга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, экспорт салоҳиятини ошириш;

хорижий ва маҳаллий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва тармоқнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик қилиш орқали узумчилик соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда узум плантацияларининг электрон реестрини юритиш.

5. Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан янги узум плантацияларини яратиш учун қўйидаги мақсадларда субсидиялар қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ажратилиши белгилансин:

хўраки ва кишмишбоп узум плантацияларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш;

хўраки ва кишмишбоп узум токзорларида ирригация тадбирларини ўтказиш, жумладан, сув етказиб бериш, артезиан қудуқлар, қувурлар ва резервуарлар барпо этиш, сув етказиб бериш учун насос станциялари қуриш, сув сақлаш учун сифимлар сотиб олиш.

Молия вазирлиги Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни

қўллаб-қувватлаш жамғармасига 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратилиши белгиланган субсидияларнинг тегишли қисмини 2020 йил 1 августдан бошлаб Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига ажратилишини таъминласин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 2020 йил 21 июль ҳолатига маблағлари қолдиғини қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инвестиция лойиҳаларининг сўзсиз амалга оширилишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда Виночиликни ривожлантириш жамғармаси ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ўртасида тақсимласин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 августдан бошлаб:

алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш, шунингдек, умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголь маҳсулотларини сотиш ҳуқуқига рухсат берувчи гувоҳнома чекланмаган муддатга берилади;

ишлаб чиқарувчилар томонидан туристик йўналишларда ташкил этилган дегустация ҳудудларида (жойларида) реализация қилинган табиий вино (қадоқлангандан ташқари) маҳсулотларига ноль даражали ставка бўйича акциз солиғи солинади;

ишлаб чиқарувчилар истеъмол этил спиртининг 50 фоиз ҳақини олдиндан тўлаш шартларида реализация қилиш ҳуқуқига эга.

8. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А.А. Абдуҳакимов) алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга туристларни жалб қилиш учун туроператорларнинг йўналиш дастурларига корхонага тегишли дегустация ҳудудлари киритилишини ташкиллаштиради.

9. Агентликка 2020 йил 1 октябрдан бошлаб истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда алкоголь маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи ташкилотларда тегишли лицензия ёки рухсат гувоҳномаларисиз ишлаб чиқилган ва сотилган, идентификация воситалари билан маркировкаланмаган, қалбаки акциз маркали ёки акциз маркаси мавжуд бўлмаган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ҳақида далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, махсус ваколатли органни хабардор қилган ҳолда текширишларни амалга ошириш ваколати берилсин.

10. Белгилансинки, истеъмол ва техник этил спирти 2021 йил 1 июлдан бошлаб реал вақт режимида автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS) билан жиҳозланган ҳамда 2022 йил 1 январдан бошлаб истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларнинг айланмаси ҳажмини ҳисобга олиш ҳамда узумзорларнинг ягона реестри ахборот тизимига интеграция қилинган электрон ҳисоблагич ўрнатилган автотранспорт воситаларида ташилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси икки ой муддатда маҳаллий кўпикланадиган ва табиий вино маҳсулот-

лари рекламасига қўйидаги ҳолларда рухсат берилишини назарда тутувчи тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

меҳмонхоналарда, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари савдо залининг ички қисмида ҳамда маҳсулотларни намойиш ва дегустация қилиш жойларида;

ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқарувчи ва савдо корхоналарининг расмий веб-сайтларида;

темир йўл ва ҳаво транспорти воситаларида;

оммавий ахборот воситаларида маҳаллий вақт билан соат 23:00 дан 07:00 гача намойиш қилинишига.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4162-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 23 июль,
ПФ-6033-сон

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**330 Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти ролини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида одил судлов жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси янги босқичга чиқди.

Хусусан, ноҳақ айбланган 2,3 мингга яқин киши оқланди, адашиб жиноят йўлига кириб қолгани сабабли озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниши мумкин бўлган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга маҳалла ва жамоатчилик кафилликлари асосида енгилроқ жазолар тайинланиб, ўз оилалари бағрида қолдирилди, инсон ҳуқуқларини қўпол тарзда бузган 60 нафар ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари жиноий жавобгарликка тортилди.

Шу билан бирга, суд ҳимоясини таъминлашдаги ортиқча бюрократик тўсиқлар сақланиб қолаётганлиги, суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини такрорловчи босқичлари мавжудлиги, инвесторлар ҳуқуқларининг суд ҳимоясида бўлиши етарли даражада ташкил этилмаганлиги ва бошқа бир қатор камчиликлар суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Судьялар олий кенгаши ва судьялар ҳамжамияти билан биргаликда қонунчилик ташаббуси асосида суд тизимида 2021 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги ташкилий-тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 24 июлда эълон қилинган.

алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларини ташкил этиш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш;

маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларини ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши;

Амударё, Нуробод, Бойсун ва Пастдарғом туманлари иқтисодий судларини тугатиш;

фуқаролик ишлари бўйича Янгийўл туманлараро судини, фуқаролик ишлари бўйича Ургут, Сўх, Хатирчи, Пахтакор туманлари судларини, Пастдарғом туманлараро иқтисодий судини, жиноят ишлари бўйича Бўзатов, Тахиатож, Бандихон, Тупроққалъа туманлари судларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий малака ҳайъатининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьялари малака ҳайъатларининг қарорлари устидан Судьялар олий кенгашига шикоят қилиш ҳуқуқини бериш.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Судьялар олий кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тегишли қонун лойиҳасини киритсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратураси ва Адвокатлар палатасининг 2021 йил 1 январдан бошлаб қуйидагиларни жорий этишни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

а) суд ишларини назорат тартибида кўриш институтини тугатиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибида протест киритиш ҳуқуқини бекор қилиш;

б) жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишининг умумий тартибда кўриб чиқилишига тўсқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичини киритиш;

в) қуйидаги тартибларни жорий этиш:

туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибида қайта кўриб чиқиш;

апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибида такроран кўриб чиқиш;

давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш;

прокурор томонидан суднинг қонуний қучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан чақириб олиб ўрганиш;

конунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг Олий суд тузилмасида инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича судлов таркибини (кейинги ўринларда — Судлов таркиби) тузиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Судлов таркибига инвестиция киритилган санада йигирма миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда инвестицияни амалга оширган жисмоний ёки юридик шахслар (кейинги ўринларда — йирик инвесторлар) ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган инвестициявий низолар ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш ваколати берилсин.

Белгилансинки:

инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторларнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита Судлов таркиби томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши;

колган инвестициявий низолар инвесторларнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида қуйидаги таркибий тузилма (лавозим)лар киритилишига розилик берилсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида:

Олий суд бошқармалари фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига ҳисобдор бўлган, Олий суд раисининг тақдимномасига асосан Олий суд Пленуми томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари лавозими;

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси;

Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси;

б) вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида матбуот хизматлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Олий суди ва Молия вазирлигининг Судьялар олий мактаби Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш марказини тугатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш марказини тугатиш ҳисобидан бўшаётган 9 та штат бирликлари Олий суд тузилмасида ташкил этилаётган Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармасини шакллантиришга йўналтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари, бошқарма бошлиқларига нисбатан Олий суд судьялари учун белгиланган, Олий суднинг бошқарув ходимлари таркибига киритилган бошқа ходимларига нисбатан эса, вилоят судлари судьялари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилсин.

Бунда, қайд этилган шартлар фақат муқаддам судьялик лавозимида ишлаган шахсларга нисбатан қўлланилиши, ушбу шахсларнинг шу лавозимларда ишлаган вақти судьялик стажига қўшилиши ва пенсия тайинлашда ҳисобга олиниши инobatга олинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 1 декабр-га қадар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Судьялар олий кенгаши, Олий суди, қуйи суд тизими судьялари, Судьялар олий мактаби ва уларнинг аппарати ходимлари, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимлари иш ҳақлари ва қўшимча тўловларини тўлиқлигича Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга ўтказилишини ҳамда иш ҳақлари миқдорларини оширилишини назарда тутувчи таклифларни киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Молия вазирлиги билан биргаликда пенсия тайинланган ва судья сифатида ўз фаолиятини давом эттираётган шахсларнинг пенсиялари янги белгиланадиган судьялар меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини инobatга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий суд билан биргаликда икки ой муддатда:

судларнинг фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни янада кенгайтириш дастури бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

2021 — 2025 йилларда судларнинг бинолари ва хоналарини қуриш ҳамда реконструкция қилиш дастурини тасдиқласин.

9. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умум-юрисдикция судларининг намунавий тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларининг намунавий тузилмаси 3-иловага* мувофиқ;

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ва ҳарбий судлари тизимининг ташкилий-штат тузилмалари 4-5-иловаларга* мувофиқ;

туманлараро, туман (шаҳар) судларининг намунавий тузилмалари 6 — 9-иловаларга* мувофиқ;

фукаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг тузилмаси ва туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларининг юрисдикция ҳудудлари 10-11-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилансинки, янгидан ташкил этилаётган судлар ва бўлинмаларни тўлдириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суд аппарати тузилмасига қўшимча бошқарув ходимлари штатларини киритиш судлар тизимини оптималлаштириш натижасида бўшайдиган штат бирликлари ҳисобидан амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Судьялар олий кенгаши билан биргаликда 2020 йил 1 ноябрга қадар қуйидагиларни назарда тутган ҳолда янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритсин:

судларнинг тузилиши, туман (шаҳар), туманлараро, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларнинг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов хайъатларининг, Раёсатининг, Пленумининг ваколатлари доираси;

судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларга нисбатан қўйиладиган талаблар;

судьялар, суд раислари ва раис ўринбосарларини тайинлаш (сайлаш) тартиби;

судьяларнинг мақоми, уларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш;

судьяларга нисбатан интизомий иш фақат судьяларнинг тегишли малака хайъатлари томонидан қўзғатилишини назарда тутган ҳолда, судьяларнинг интизомий жавобгарлиги, интизомий ишни қўзғатиш ва кўриб чиқиш тартиби;

судьялар ваколатларини тўхтатиб туриш, шунингдек, тугатиш асослари ва тартиби;

судьяларнинг моддий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда янгидан ташкил этилаётган судларнинг жойлаштирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратураси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

* 4 — 11-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 12-иловага* мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

15. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 24 июль,
ПФ-6034-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

331 «Хар бир оила — тадбиркор» дастурини ҳамда Наманган вилоятидаги кичик саноат зоналарини ривожлантиришни молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Коронавирус пандемияси шароитида ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғирлашган оилаларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларга даромад манбаини яратиш ҳамда Наманган вилоятидаги кичик саноат зоналарини ривожлантиришни молиявий ресурслар билан таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан (кейинги ўринларда — Жамғарма):

а) «Хар бир оила — тадбиркор» дастури учун қўшимча равишда 98 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағларни:

«Агробанк» АТБга — 40 миллион АҚШ доллари эквивалентида;

АТ Халқ банкига — 30 миллион АҚШ доллари эквивалентида;

«Микрокредитбанк» АТБга — 28 миллион АҚШ доллари эквивалентида;

б) микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларига ёшлар ва хотин-қизларни кичик тадбиркорликка жалб қилиш лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга — 2 миллион АҚШ доллари эквивалентида;

* 12-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 14 июлда эълон қилинган.

в) Наманган вилоятидаги кичик саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш учун Наманган вилояти ҳокимлигига 50 миллион АҚШ доллари ажратиш ҳақидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) мазкур қарорга асосан ажратилган маблағлардан фойдаланиш мос равишда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4498-сон қарорида белгиланган тартиб ва шартларда Жамғарма ҳамда ваколатли банклар ўртасида тузилган кредит шартномаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали амалга оширилади;

Жамғарма ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ўртасида тузиладиган шартнома орқали амалга оширилади;

Наманган вилоятида янги кичик саноат зоналарида инфратузилмани шакллантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, Наманган шаҳридаги «Юксалиш» кичик саноат зонаси ҳудудида 2020-2021 йилларда полимер, енгил саноат, электр техникаси, кимё ва қурилиш маҳсулотларини халқаро талаблар асосида синов ўтказадиган лаборатория, молия, транспорт-логистика хизматларини ўз ичига оладиган комплекс хизматлар марказини ташкил этиш мақсадларига йўналтирилади;

б) Наманган вилоятига кичик саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Кенгаш томонидан белгиланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Марказий банки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги икки ҳафта муддатда микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларига ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун маблағларни ажратиш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 14 июль,
ПҚ-4782-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**332 Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 июлдаги ПФ-6033-сон «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини тартибга солиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) бошқарув ходимларининг чекланган сони 67 нафардан иборат тузилмаси 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик директориға, зарур ҳолларда, Агентлик тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Агентлик республика давлат бошқаруви органи ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Агентлик директори Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Агентлик директорининг ўринбосарлари Агентлик директорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Агентлик директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Агентлик ходимларига нисбатан, қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги ходимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби сақланиб қолинади.

3. Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини реализация қилиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, ноқонуний маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва айланмасини назорат қилишни кучайтириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 24 июлда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Агентликнинг Виночиликни ривожлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ҳар йили ажратиладиган субсидиялар;

алкоголь маҳсулотларининг (пиво ва табиий вино бундан мустасно) улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар соф тушумининг беш фоизи миқдоридagi ажратмалар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 июлдаги ПФ-6029-сон Фармонида асосан ушбу ажратма миқдори 2020 йил 31 декабргача уч фоиз қилиб белгиланганлиги инобатга олинган ҳолда);

Агентлик ҳузуридаги «Энология лабораторияси» ва «Ўзумчилик ўқув маркази» давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан белгиланган тартибда амалга ошириладиган ажратмалар;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқарганлик ёки этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси учун тўланадиган жарима суммасининг 50 фоизи;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланадиган корхоналар томонидан лицензия талаблари бузилганлиги учун тайинланадиган жарималар;

тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берганлик учун давлат божи, шунингдек, истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдосини амалга оширишга лицензиялар бериш учун тўланадиган йиғимлар ва йиллик лицензия тўловлари;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотларининг кредитлари (қарз маблағлари) ва грантлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур банднинг учинчи хатбошиси 2022 йил 1 январга қадар амал қилади.

5. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадлар учун сарфланади:

Агентликнинг техник навли узумзорлар ва виночилик соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлашга қаратилган комплекс мақсадли дастурларини амалга ошириш, шу жумладан, узум кўчатларини харид қилиш, узумнинг селекция навларини яратиш ва уларни экишни ташкиллаштириш билан боғлиқ вазифаларининг самарали бажарилиши;

сув тежовчи, шу жумладан, томчилатиб суғориш технологияларини жорий этишга қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда субсидиялар бериш;

саноатбоп токзорларда ирригация тадбирларини ўтказиш, жумладан сув етказиб бериш, артезиан қудуқлар, қувурлар ва резервуарлар барпо этиш, сув етказиб бериш учун насос ва қувурлар, сув сақлаш учун сифимлар сотиб олиш;

техник навли узум плантацияларини яратиш ҳамда узум, мевалар ва резаворлардан алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасининг 50 фоизидан ошмайдиган фоиз ставкаси бўйича қарз бериш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан 4 фоизли пунктгача чегирган ҳолда тижорат банкларига кредит ресурсларини бериш;

махаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар ҳамда пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратиш;

махаллий шароитда ток ўсимлиги тўқималаридан (меристема хужайра) «In vitro» усулида етиштирилган ток кўчатларини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратиш;

умумий қийматининг камида 15 фоизи лойиҳа ташаббускори томонидан молиялаштириладиган техник навли узумчилик йўналишидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича бўлғуси ҳосил, тоқзор ва (ёки) ер участкасига бўлган ҳуқуқни гаровга олган ҳолда кафиллик тақдим этиш;

техник навли узум кўчатларини шпалерага кўтариш учун субсидиялар ажратиш;

виночилик соҳасидаги хорижий мутахассислар ва консультантларни жалб этиш, узум етиштирувчиларни, Агентлик ва виночилик корхоналари ходимларини, шу жумладан, хорижда, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

махаллий алкоголь, шу жумладан, вино маҳсулотларини тарғиб қилиш бўйича фестиваллар, кўргазмалар ва ярмаркалар ташкил этиш, алкоголь соҳаси корхоналарининг, шу жумладан, хорижда ўтказиладиган тадбирларда иштирок этишига кўмаклашиш ҳамда уларнинг бундай тадбирлардаги иштироки билан боғлиқ харажатларини қоплаш;

саноатбop узумчилик ва виночилик, янги турдаги алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва маркетингда «ноу-хау» билан боғлиқ бўлган илмий лойиҳаларни молиялаштириш;

техник навли узумларнинг оналик майдонлари ва коллекция участкалари, кўчатхона (питомник)лар барпо этиш;

коллекцион вино ва коньяк дистилляти маҳсулотларини захирага қўйиш;

Агентлик ва унинг идоравий бўйсунувидаги ташкилотлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, унинг марказий аппаратини таъминлаш, шу жумладан, Агентлик ходимларини моддий рағбатлантириш, хусусан устамалар тўлаш, шунингдек, Агентлик фаолияти билан боғлиқ бўлган, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тадбирлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низомни;

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

7. Белгилансинки, истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятига лицензия бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси томонидан қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси таркиби 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Қўйидагилар:

2020 — 2024 йилларда саноатбоп тоқзорлар барпо этиш ва қайта ишлаш учун хом ашё етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари 4-иловага* мувофиқ;

2020 — 2024 йилларда тоқзорларда ресурс тежамкор, замонавий агротехнологиялар жорий этиш ва сув ресурслари билан таъминлаш прогноз кўрсаткичлари 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 2020 — 2022 йилларда тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришга қаратилган истиқболли инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати ҳамда тармоқ корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш графигини тасдиқласин.

9. Белгилансинки, Агентлик қўйидагиларни 2021 йил 1 январга қадар амалга оширишга масъул ҳисобланади:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ва Тошкент кимё-технология институти билан биргаликда халқаро стандартлар ва талабларни инобатга олган ҳолда истеъмол ва техник этил спиртини ҳамда алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича технологик регламентни ишлаб чиқиш;

б) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмаси ҳажмини ҳисобга олиш ҳамда узумзорларнинг ягона реестри ахборот тизимини (кейинги ўринларда — ҳисобга олиш ахборот тизими) қўйидагиларни назарда тутган ҳолда жорий этиш:

2021 йил 1 январгача истеъмол ва техник этил спирти ишлаб чиқарувчилар ҳамда 2022 йил 1 январгача алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар мулкдорларининг ўз маблағлари ҳисобидан истеъмол ва техник этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ўлчов ускуналарини ва ҳисобга олиш ахборот тизимида ахборот узатувчи бошқа ҳисобга олиш ва қайд этиш воситаларини ўрнатиш. Бунда ўлчов ускуналари ҳамда бошқа ҳисобга олиш ва қайд этиш воситаларига техник талаблар Агентлик томонидан белгиланади;

ҳисобга олиш ахборот тизимини ўзаро ахборот алмашинувини ўрна-

* 3 — 5-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тиш учун молия, иқтисодиёт органлари, шунингдек, солиқ ва божхона хизматлари, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг барча ишлаб чиқарувчиларини, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи корхоналарни ҳисобга олиш ахборот тизимига улаш;

в) истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва уларнинг айланмасини назорат қилиш бўйича «таҳлика-таҳлил» тизимини жорий этиш.

10. Белгилаб қўйилсинки:

ҳисобга олиш ахборот тизимини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу тизим ишлаши учун зарур инфратузилмани яратиш бўйича ишлар Жамғарма ҳамда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади;

ҳисобга олиш ахборот тизимини жорий этиш ва унда ишлаш истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг савдоси билан шуғулланувчи корхоналар учун мажбурий ҳисобланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентлики зарур алоқа, шу жумладан, ҳукумат алоқаси билан ва кенг полосали Интернет тармоғига уланишини белгиланган тартибда таъминласин.

12. «Ўзстандарт» агентлиги ва Агентлик:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 сентябрга қадар техник этил спиртини ишлаб чиқариш ягона давлат стандартини ишлаб чиқсин ва жорий этсин;

2021 йил 1 июлга қадар Агентлик ҳузуридаги «Энология лабораторияси» ДУКни халқаро стандартларга мувофиқ аккредитациядан ўтказишни ташкил этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва «Ўзстандарт» агентлиги истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг ҳақиқий айланмаси ҳажмларини мониторинг қилиш, уларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хом ашё ва ёрдамчи материаллар сифатини, шунингдек, лицензия талабларига риоя этилишини назорат қилишда Агентликка яқиндан қўмаклашсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй манзилида жойлашган Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги ва Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясининг бино ва иншоотларини жиҳозлари ва ташкилий техникаси билан бирга Агентликнинг оператив бошқарувига берилишини, шунингдек, тугатиш жараёни якунланганидан кейин уларнинг қолган пул маблағлари ва асосий воситаларини Агентликка ўтказилишини таъминласин.

15. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки

ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 23 июль,
ПҚ-4787-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

333 Микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва ипоте-
кани қайта молиялаштириш ташкилотларининг ах-
борот тизимларида ахборот хавфсизлигига доир минимал
талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3260*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марка-
зий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мар-
казий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва ипотекани қайта молия-
лаштириш ташкилотларининг ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги-
га доир минимал талаблар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлан-
син.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан
кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 27 июнь,
15/6-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июн-
да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
27 июндаги 15/6-сон қарорига
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва ипотекани
қайта молиялаштириш ташкилотларининг ахборот
tizimларида ахборот хавфсизлигига доир минимал
талаблар тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларининг (бундан буён матнда нобанк кредит ташкилотлари деб юритилди) ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигига доир минимал талабларни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
антивирус ҳимояси — антивирус дастурлари ёрдамида компьютер вируслари таъсирининг олдини олиш, вирусларни топиш ва зарарсизлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

аутентификация қилиш — фойдаланувчи, дастур, қурилма ёки маълумотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш тартиб-таомили;

авторизация қилиш — фойдаланиш ҳудудлари асосида фойдаланиш имкониятини тақдим этиш;

ахборот тизими — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари;

ахборот хавфсизлиги — ахборот муносабатларининг субъектларига номақбул зиёнларни келтириши мумкин бўлган табиий ёки сунъий хусусиятли, тасодифий ёки қасддан қилинган таъсирлардан ахборот ва таъминлаб турадиган инфратузилманинг муҳофаза қилинганлиги;

ахборот хавфсизлиги нохуш ҳодисаси — ахборот хавфсизлигининг ягона воқеаси ёки бир қатор нохуш ёхуд кутилмаган воқеалари бўлиб, ушбу воқеалар туфайли ахборотнинг ошқор бўлиши ва ахборот хавфсизлигига таҳдидлар эҳтимоли юзага келиши;

идентификация — фойдаланувчининг шахсини, унга тизим билан ишлашда ҳуқуқ ва имтиёзларнинг маълум тўпламини бериш мақсадида, аниқлаш;

тармоқлараро экран — ахборот тизимларига келиб тушадиган ва (ёки) тизимдан чиқиб кетадиган ахборотнинг назорат қилинишини амалга оширадиган дастур ва (ёки) дастурий восита;

шахсга доир маълумотлар — муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон тарзда, қоғозда ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган ахборот.

2. Нобанк кредит ташкилотлари мазкур Низом талаблари асосида ўз фаолиятларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларидаги ахборотнинг хавфсизлигини таъминлашлари ҳамда ахборот хавфсизлиги бўйича ички тартиб ва қоидаларни ишлаб чиқишлари лозим.

2-боб. Нобанк кредит ташкилотларининг ахборот хавфсизлигига доир минимал талаблар

3. Нобанк кредит ташкилотлари ўз фаолиятининг барқарорлигини таъминлашлари ва ахборот хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олишлари учун ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларидаги ахборотнинг хавфсизлигини таъминлашлари, юзага келиши мумкин бўлган ахборот хавфсизлиги ноҳуш ҳодисаларини аниқлашлари, уларнинг олдини олишлари ва ноҳуш ҳодисаларнинг юзага келиш эҳтимолини бартараф этиш чораларини кўришлари лозим.

4. Нобанк кредит ташкилотлари ахборот хавфсизлигига доир қуйидаги минимал талабларни бажаришлари лозим:

антивирус дастури билан ахборот муҳофазасини таъминлаш;

амалга оширилган тўловларга оид маълумотларни электрон тарзда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақлаш;

махфий ва шахсга доир маълумотлардан қонунга зид равишда фойдаланиш ва маълумотларнинг ноқонуний ошкор этилишининг олдини олиш;

техник носозликлар вақтида ахборот тизимларининг узлуксиз фаолиятини таъминлаш, шу жумладан, ушбу тизимларда қўлланилган дастур ва маълумотлар нусхаларини сақлаш;

телекомунникация тармоғи орқали ахборот алмашинувидаги тўлов маълумотларини муҳофазалаш;

маълумотларга ишлов берувчи компьютер ва серверларнинг ахборот муҳофазасини таъминлаш, узлуксиз электр таъминоти манбаи қурилмалари (UPS) билан жиҳозлаш;

қўриқлаш, ёнғиндан огоҳ этиш ва ташвишдан хабар бериш, видеокузатув ҳамда ўт ўчириш тизимларини жорий қилиш;

ахборот тизимлари маълумотлари йиғиладиган ва уларга ишлов бериладиган ҳудудларга (хоналарга) бегона шахсларнинг рухсатсиз (назоратсиз) киришининг олдини олиш, ушбу ҳудудлар видеокузатув тизими орқали назоратга олинган бўлиши ва видеокузатув маълумотларининг сақланишини таъминлаш;

тўлов ва махфий маълумотларнинг электрон нусхалари сақланишида ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

масофадан хизмат кўрсатишда мижозни идентификация, аутентификация ва авторизация қилиш;

телекоммуникация тармоғи орқали ахборот алмашинувида ёки масофадан хизмат кўрсатишда тизимга киришда идентификация ва кўп факторли аутентификация қилиш ҳамда тармоққа киришдаги маълумотларни (сана, вақт, IP манзил ва бошқа идентификация маълумотлари) электрон баённо-маларда қайд этиб бориш;

масофадан хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ахборот тизимларидаги ўзгаришлар юзасидан мижозларни ўз вақтида хабардор қилиш;

телекоммуникация тармоқларида тўловларни криптографик усуллар (электрон рақамли имзо ва шифрлаш) билан муҳофазалаш;

нобанк кредит ташкилоти ҳудудида Wi-Fi зоналари ташкил этилса, Wi-Fi тармоғи орқали юзага келиши мумкин бўлган ахборот хатарларининг олдини олиш;

нобанк кредит ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ахборот алмашинувида ахборот муҳофазасини таъминлаш, ахборот алмашинувини икки томонлама имзоланган тегишли технологик йўриқнома талаблари асосида амалга ошириш;

ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги таваккалчиликларини камайтириш чораларини кўриш;

ахборот тизимлари қурилмалари ва дастурларининг иш ҳолатини назорат қилиб бориш;

ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ нохуш ҳодисаларни бартараф этиш режаларини ишлаб чиқиш.

3-боб. Ахборот хавфсизлигини ташкиллаштириш

5. Нобанк кредит ташкилотлари ўзларининг ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ахборот хавфсизлигига масъул ходим тайинлаши лозим.

6. Ахборот хавфсизлигига масъул ходим вазифаларига қуйидагилар киради:

ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг ахборот муҳофазасини ташкил этиш ва таъминлаш;

иш жараёнида ходимларга маълум бўлган махфий ва шахсга доир маълумотларни сир сақлаш мажбурияти ва жавобгарликлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш;

антивирус муҳофазасини ташкил этиш ва унинг назоратини юритиш; электрон тўлов маълумотларининг нусхалари сақланишини ташкил этиш; ахборот тизимларига ўзгартиришлар киритилишини назорат қилиш; фойдаланувчиларнинг ахборот ресурсларида ишлаш ҳуқуқларини ва чегараларини белгилаш;

ахборот тизимларига киришни назорат қилиш;

ахборот тизимларида электрон тўловлар билан боғлиқ ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш чораларини кўриш;

ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларидан рухсатсиз фойдаланиш-ни чеклаш;

веб-ресурслар (маълумотлар базаси) ва бошқа ахборот ресурсларини ахборот хавфсизлиги хатарларидан сақлаш;

электрон маълумотларнинг рухсатсиз киритилиши, ўзгартирилиши, ўчириб ташланиши, кўчириб олиниши ва фойдаланилиши имкониятини тўлиқ бартараф қилиш;

компьютер ва бошқа ҳисоблаш воситалари носоз ҳолатга келганида, иш узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, тизимнинг захира тикланиш режасини ишлаб чиқиш;

юзага келиши мумкин бўлган ахборот хавфсизлиги нохуш ҳодисаларининг бартараф этилишини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги хатарларини камайтириш ва олдини олиш чораларини кўриш;

махфий ва шахсга доир маълумотлардан қонунга зид равишда фойдаланиш хавфларини бартараф этиш;

ҳисоблаш техникаларига рухсатсиз жисмонан таъсир ўтказишнинг олдини олиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

ахборот хавфсизлиги талаблари бажарилишини назорат қилиш.

4-боб. Ахборот муҳофазаси дастурлари ва ускуналари

7. Нобанк кредит ташкилотларининг ахборот муҳофазасини таъминловчи барча ахборот дастурлари лицензияланган бўлиши керак.

8. Нобанк кредит ташкилотларининг ахборот муҳофазаси дастурлари ва ускуналари қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

тармоқ муҳофазасини таъминлаши, шу жумладан, локал ҳисоблаш тармоғига рухсатсиз киришларнинг олдини олиши;

тўловларнинг амалга оширилиши электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши;

тўлов маълумотларини узоқ муддат сақлаши, захиралаш ва қайта тиклашни таъминлаши;

ахборотни шакллантириш, узатиш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларга ишлов бериш жараёнларида маълумотларни муҳофазалаши;

ахборот алмашинуви жараёнида ахборотни муҳофаза қилиши;

ахборот тизимларидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

фойдаланувчиларнинг тизимга кириш ва чиқиш бўйича ҳаракатларини қайд этиши;

фавқулодда ҳолатларда тизимнинг хавфсизлигини ва узилишларсиз фаолиятини таъминлаши.

9. Нобанк кредит ташкилотлари ўзларидаги тўловлар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳимоя қилинишида Ўзбекистон Республикасининг «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган талаб ва тартибларга риоя этишлари зарур.

10. Нобанк кредит ташкилотлари содир бўлган нохуш ҳодиса тўғри-

сида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига зудлик билан ёзма ёки электрон шаклда хабар бериши лозим.

5-боб. Якуний қоида

11. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ РАИСИНИНГ БУЙРУҒИ

334 Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига кириш касбий (ижодий) имтиҳон натижаларини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3261*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги ҳамда 2018 йил 27 июлдаги 588-сон «Алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалавриат таълим йўналишларига кириш тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ **буйраман:**

1. Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига кириш касбий (ижодий) имтиҳон натижаларини баҳолаш мезонлари иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

А. НУРИДИНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 24 июнь,
И-50-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

335 Молиявий хизматлар истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3262

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Марказий банк бошқаруви **қарор қилади:**

1. Молиявий хизматлар истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 27 июнь,
15/3-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
27 июндаги 15/3-сон қарорига
ИЛОВА

**Молиявий хизматлар истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги ва «Микромолиялаш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ молиявий хизматлар истеъмолчилари билан муносабатларни амалга оширишда микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг (бундан буён матнда кредит

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

ташкилотлари деб юритилади) фаолиятига қўйиладиган минимал талабларни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

истеъмолчилар — кредит ташкилотининг молиявий хизматларидан фойдаланиш истагида кредит ташкилотига мурожаат қилган, ушбу хизматдан фойдаланаётган ёки олдин фойдаланган жисмоний ва юридик шахслар;

кредит — кредит ташкилоти томонидан берилаётган кредит, микроқарз ёки микрокредитлар;

муурожаат — истеъмолчи (ёки унинг вакили) томонидан оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда кредит ташкилотига юборилган ариза, шикоят ёки таклиф.

2. Истеъмолчилар кредит ташкилотини ва улар томонидан тақдим этилаётган молиявий хизматларни эркин танлаш ҳуқуқига эга.

Кредит ташкилоти томонидан бир хизматнинг истеъмолчига қўшимча хизматдан фойдаланиш шарти билан кўрсатилиши тақиқланади.

3. Кредит ташкилотининг молиявий хизматлари кредит ташкилоти ва истеъмолчи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ кўрсатилади.

Шартномаларнинг матни истеъмолчилар тушуниши учун аниқ ва содда тарзда баён этилиши ва компьютер воситасида босиб чиқаришда 12 ўлчамли шрифтдан кам бўлмаган ёки шунга ўхшаш шрифтни қўллаган ҳолда Microsoft Word матн редакторидан фойдаланилиши лозим.

Шартномаларнинг матни давлат тилида тузилади. Истеъмолчи ва кредит ташкилоти ўзаро келишувига мувофиқ шартнома матни бошқа тилда ҳам тузилиши мумкин.

2-боб. Истеъмолчига ахборот беришнинг минимал талаблари

1-§. Маълумотлар беришнинг умумий минимал талаблари

4. Кредит ташкилоти томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматлар тўғрисидаги маълумотлар истеъмолчига ошкор этилиши лозим.

Молиявий хизматлар тўғрисидаги маълумотлар тижорат сирини ўз ичига олмаслиги зарур.

5. Кредит ташкилотининг молиявий хизматларини тақдим этиш шартлари, ушбу шартларнинг ўзгариши ҳақидаги маълумотлар кредит ташкилотининг ахборот стендларида жойлаштириб борилиши, шунингдек, кредит ташкилотининг расмий веб-сайтида (мавжуд бўлса) эълон қилиниши керак.

6. Истеъмолчиларга кредит ташкилотининг молиявий хизматлари тўғрисидаги маълумотлар шартномалар тузилишидан аввал бепул тақдим этилиши ва таништирилиши шарт.

7. Истеъмолчи кредит ташкилотининг молиявий хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартномасини (кредит, микрокредит, микроқарз, микролизинг

ва бошқалар бўйича) имзо қўймасдан олдин танишиб чиқиши учун ўзи билан олиб кетишга ҳақли.

Кредит ташкилоти истеъмолчини шартномага имзо қўймасдан олдин танишиб чиқиши учун ўзи билан олиб кетишга ҳақли эканлиги тўғрисида хабардор қилиши шарт.

8. Кредит ташкилоти томонидан истеъмолчиларга кредит ташкилотининг молиявий хизматлари тўғрисидаги маълумотлар давлат тилида етказилиши лозим. Бунда кредит ташкилоти молиявий хизматлари тўғрисидаги маълумотларни бошқа тилларда ҳам тақдим этишга ҳақли.

Кредит ташкилотининг молиявий хизматлари тўғрисидаги маълумотларнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилиши керак.

9. Истеъмолчиларга кредит ташкилоти томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматлар тўлиқ ва тўғри тушунтирилиши лозим.

10. Микрокредит ташкилоти томонидан кредит бўйича хизмат кўрсатиш даврида истеъмолчининг оғзаки ёки ёзма сўрови олинган кундан эътиборан бир иш куни ичида унга қуйидаги ахборотлар ёзма шаклда бир ойда бир марта бепул тақдим этилади:

кредитлаш лимити;

кредит бўйича тўланган пул маблағлари суммаси;

асосий сумма бўйича қарз қолдиғи;

навбатдаги тўловларнинг миқдори, таркиби ва муддатлари (тўловлар жадвали);

кредитни муддатидан олдин қисман ёки тўлиқ сўндириш истаги билдирилган тақдирда тўлаш лозим бўлган суммалар миқдори;

муддати ўтказиб юборилган қарздорлик миқдори ва таркиби;

келиб тушаётган пул маблағлари кредит бўйича қарзни сўндиришга йўналтирилиши ҳақида ахборотлар.

11. Кредит ташкилоти истеъмолчининг талабига кўра, қуйидаги ҳужжатларнинг кредит ташкилоти томонидан тасдиқланган нусхаларини бепул (битта хизматни кўрсатиш шартномаси бўйича бир марта) беради:

кредит ташкилоти ва истеъмолчи томонидан имзоланган молиявий хизматни кўрсатиш тўғрисидаги шартномани;

истеъмолчи томонидан берилган ариза (агар қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай аризанинг расмийлаштирилиши мажбурий бўлса ёки кредит ташкилотининг ички қоидаларига асосан кредит ташкилоти молиявий хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузиш чоғида бундай аризанинг расмийлаштирилиши шарт бўлганда);

истеъмолчига кредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (ордер, тўлов топшириқномаси, электрон тўлов воситасига пул маблағлари ўтказилганлиги тўғрисида маълумотнома);

кредит шартномалари бўйича истеъмолчи томонидан мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (маълумотнома).

Кредит ташкилоти истеъмолчининг талабига кўра, мазкур бандда назарда тутилган ҳужжатларни уларни тайёрлаш харажатларидан ошмайдиган ҳақ эвазига чекланмаган тарзда тақдим этиши мумкин.

Мазкур бандда назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этишнинг имкони мавжуд бўлмаган тақдирда, кредит ташкилоти томонидан истеъmolчига бу ҳақда асосли равишда ёзма хабар берилиши лозим.

12. Кредит ташкилоти истеъmolчиларга маълумот бериш учун кредит ташкилоти молиявий хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузиш чоғида улар билан боғланиш алоқа воситаларини келишиб олиши ва ушбу алоқа воситалари орқали боғланиш имкониятини таъминлаши лозим.

13. Истеъmolчининг тегишли сўрови кредит ташкилотида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб ўн иш куни ичида кредит ташкилоти хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартнома, истеъmolчи томонидан берилган ариза ва истеъmolчига кредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда бир иш куни ичида кредит шартномалари бўйича истеъmolчи томонидан мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади.

14. Кредит ташкилоти истеъmolчига ёки унинг вакилига кредит ташкилоти молиявий хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома имзоланган кунда шартноманинг битта асл нусхасини тақдим этиши керак.

2-§. Истеъmolчига бериладиган ахборотнинг минимал ҳажми

15. Кредит ташкилотининг ахборот стендларида қуйидаги ахборотлар жойлаштирилиши шарт:

кредит ташкилотининг тўлиқ номи, манзили, филиаллари манзиллари, иш вақти, боғланиш учун алоқа телефонлари ва электрон почта манзили; истеъmolчиларга молиявий хизматларни кўрсатиш тартиби, шартлари ва қиймати;

кредит ташкилоти операциялари бўйича тарифлар, фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақлари тўғрисида.

16. Кредит ташкилоти истеъmolчини молиявий хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги шартнома тарафларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги ҳақида хабардор қилиши, шунингдек, истеъmolчининг талабига кўра, мазкур Низомнинг 15-бандида кўрсатилган ахборотни тақдим этиши шарт.

Тақдим этилаётган хизматларнинг шартлари ва қиймати ҳақидаги ахборотни беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

17. Кредит ташкилоти истеъmolчи билан тузиладиган шартнома шартларига истеъmolчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган ўзгартиришларни кредит ташкилоти томонидан бир томонлама киритилишига йўл қўйилмайди.

18. Кредит шартномаси тузилгунга қадар кредит ташкилоти истеъmolчига қуйидаги ахборотни тақдим этади:

кредитнинг энг кўп миқдорини;

кредитдан фойдаланиш муддати;

фоиз ставкасининг йиллик номинал қиймати, шунингдек, истеъmolчи мурожаат қилган санадаги кредитнинг тўлиқ қиймати (шартнома тузиш пайтида унинг мутлақ қийматини, яъни кредит ёки қарзнинг асосий қиймати,

фоизлари, комисион ва бошқа тўловлар, шу жумладан, амалдаги тарифлар бўйича учинчи шахс фойдасига тўланадиган тўловларни, агар бундай тўловлар қарздорнинг мажбурияти бўйича шартнома шартларидан келиб чиқадиган бўлса, уларни алоҳида кўрсатган ҳолда маълумот тақдим этади);

воситачилик ҳақлари, тарифлар ва кредит олиш ҳамда унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларнинг батафсил рўйхати ва миқдорлари;

кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда истеъмолчининг жавобгарлиги ва таваккалчиликлари;

гаровга қўювчи, кафил (кафолат берувчи) ва кредит шартномасининг тарафи ҳисобланган бошқа шахснинг жавобгарлиги;

кредит ташкилоти ҳамда истеъмолчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шу жумладан, муддати ўтказиб юборилган қарздорликни ундириш жараёнида истеъмолчининг ҳуқуқлари, шунингдек, кредит ташкилоти молиявий хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги шартномада кўзда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги ҳақидаги маълумотлар;

истеъмолчи томонидан кредит олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш, кредитни тақдим этиш ва ундан фойдаланиш муддатлари;

кредит олиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати;

кредит таъминотига қабул қилинадиган гаров турлари (агар гаров талаб қилинса).

19. Кредит ташкилоти истеъмолчи кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаслиги билан боғлиқ таваккалчиликлар тўғрисида, шу жумладан, истеъмолчига нисбатан мажбуриятларни бузганлиги учун қўлланиладиган неустойка (жарима, пеня) ва уларнинг натижасида истеъмолчининг харажатлари суммаси ошиши эҳтимоли тўғрисида ахборот беради.

20. Кредит ташкилоти сўровига жавобан истеъмолчи томонидан тақдим этилган маълумотлар тузилаётган кредит шартномасининг шартларига таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида истеъмолчи огоҳлантирилиши зарур.

21. Истеъмолчи кредит олиш учун микрокредит ташкилотига мурожаат қилганида, микрокредит ташкилоти мазкур Низомнинг иловасига* мувофиқ Кредитнинг асосий шартлари тўғрисидаги ахборот варақасини (бундан буён матнда Ахборот варақаси деб юритилади) истеъмолчи билан биргаликда тўлдиради ва истеъмолчига бепул тарзда тақдим этади.

Ахборот варақаси кредит олиш учун буюртманомга ҳисобланмайди.

3-боб. Кредит ташкилотининг истеъмолчи билан муносабатларни ташкил этиши

1-§. Кредит ташкилоти томонидан истеъмолчи билан муносабатларни амалга оширишнинг асосий қоидалари

22. Истеъмолчида кредит ташкилоти хизматини кўрсатиш тўғрисида-

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ги шартнома бўйича тарафларнинг ўзаро муносабатлари юзасидан саволлар юзага келганда, кредит ташкилоти истеъмолчига ушбу саволларнинг моҳияти бўйича асосли жавоб ва бошқа тегишли тушунтиришлар бериши шарт.

Бунда кредит ташкилоти истеъмолчиларга қарз тўлашдан бўйин товлash ва (ёки) уни тўламаганлик учун жавобгарликдан қочишнинг усул ва йўлларини қўллаш, шунингдек, бошқа шунга ўхшаш масалалар юзасидан (шу жумладан, бошқа молия ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар бўйича ҳам) маслаҳат бериш билан боғлиқ фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

23. Кредит ташкилоти фаолиятида инсофсиз хизмат кўрсатиш амалиётларининг қўлланилишига йўл қўйилмайди, жумладан:

истеъмолчи бошқа кредит ташкилоти билан шартнома тузишига тўсқинлик қилиш мақсадида кредит ташкилоти томонидан кредит бюросига ва (ёки) бошқа ташкилотларга нотўғри ахборот бериш;

истеъмолчи учун мақбул шартларда расмийлаштирилган бошланғич қарзни қайтариш мақсадида уни бошқа кредит шартномасини тузишга рағбатлантириш;

истеъмолчиларнинг қарзи миқдорини оширишга йўналтирилган чоратадбирларни амалга оширганлиги учун кредит ташкилоти ходимларини мукофотлаш ва рағбатлантириш.

24. Истеъмолчиларга кредитлар бўйича хизмат кўрсатаётганда кредит ташкилотлари кредитлаш жавобгарлигининг ҳалоллик, шаффофлик, ишончлилик, шерикчилик муносабатлари, иқтисодий манфаатлар ва имкониятларни ҳисобга олиш тамойилларига риоя қилишлари шарт.

25. Кредит ташкилоти:

кредит бўйича номинал ва реал фоиз ставкаларни кредит бериш санасидаги эълон қилинган фоиз ставкалари кўрсаткичларидан оширмаслиги;

кредит шартномаси тузилгунга қадар мазкур Низомнинг 18 ва 19-бандларига мувофиқ ахборотни истеъмолчига маълум қилиши;

кредит шартномаси тузилгунга қадар қарз олувчининг тўловга қобилиятлилиги пухта ўрганиши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ истеъмолчидан ундирилиши тақиқланган қўшимча йиғимлар, воситачилик ҳақлари ва бошқа тўловларни кредит шартномаси шартларига киритмаслиги;

кредит шартномасида шартнома тузилгандан кейин ва мижоз томонидан пул маблағлари олингунга қадар бўлган даврда истеъмолчининг кредит олишдан бепул асосда воз кечиш ҳуқуқини назарда тутиши;

кредит шартномасида жарима санкцияларини ундирмаган ҳолда исталган вақтда истеъмолчининг кредитни муддатидан олдин сўндириш ҳуқуқини назарда тутиши;

кредит қарздорлиги бўйича ҳисобланган фоизлар, воситачилик ҳақи ва неустойкаларнинг (пеня, жарималар) энг кўп умумий суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошиб кетмаслигини назорат қилиши;

кредит шартномасининг шартларига қарз олувчининг ҳуқуқлари чек-

ланишига ва/ёки мажбуриятлари оширилишига олиб келувчи ўзгартиришларнинг бир томонлама киритилишига йўл қўйимаслиги лозим.

26. Кредит ташкилотларига:

микроқарз шартномалари, шунингдек, ломбардлар томонидан тузилган кредит шартномалари бўйича йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп миқдорида фоизлар ҳисоблаш, комиссия ундириш ва неустойка (штраф, пеня), жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллаш;

кредит буюртмаларини кўриб чиқиш, ссуда ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатиш, кредитлар ажратиш учун тўловлар, шунингдек, жисмоний шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитларни муддатидан илгари қоплаш учун неустойка ундириш;

жисмоний шахслардан қисқа муддатли микромолиявий хизматлар таъминотига қўчмас турар жой мулкани гаров сифатида қабул қилиш;

жисмоний шахсларга хорижий валютада кредитлар бериш ва кредитлар бўйича уларнинг мажбуриятларини хорижий валютада ҳисобга олиш;

илгари олинган кредитлар бўйича сўндирилмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда жисмоний шахсларга янги микромолиявий хизматлар кўрсатиш тақиқланади.

27. Истеъмолчи-жисмоний шахс кредит ташкилотининг молиявий хизматлари учун тўловларни амалга ошириш шаклини ўзи мустақил танлаш ҳуқуқига эга.

28. Кредит ташкилоти томонидан тўлов шаклига қараб (нақд пул билан ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоблар) кредит ташкилотининг хизматлари учун ҳар хил нархлар (тарифлар) белгилаш тақиқланади.

29. Истеъмолчиларга нисбатан кредит ташкилоти томонидан кредит ташкилотининг молиявий хизматлари учун тўловларни фақат ўзларининг кассалари орқали ва (ёки) нақд пул шаклида тўлаш лозимлиги бўйича талаб белгиланишига йўл қўйилмайди.

30. Истеъмолчи-жисмоний шахс яшаш жойидан қатъи назар, ўзи танлаган кредит ташкилотига кредит олиш учун мурожаат этишга ҳақли.

31. Кредит ташкилоти қарз олувчининг ва (ёки) гаровга қўювчининг суғурта компанияси ва (ёки) баҳоловчини танлаш ҳуқуқини чекламаслиги лозим.

32. Кредит ташкилоти кредит операцияларини амалга оширишда қўйидагиларга риоя этиши лозим:

кредит шартномасида кредит маблағларини бериш муддати ва шартларини аниқ кўрсатиш;

кредит шартномасида кредит маблағларини бериш мажбуриятини бажармаганлиги ёки ўз вақтида бажармаганлиги учун кредит ташкилоти қарз олувчи олдида кредитор сифатида ўз жавобгарлигини акс эттириш.

33. Кредит шартномасига илова қилинган кредитни қайтариш жадвали кредит шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланиб, кредит ташкилоти ва қарз олувчи томонидан имзоланиши, шунингдек, қоида тариқасида кредит шартномаси матнида иловага (кредитни қайтариш жадвалига) ҳавола бўлиши керак.

34. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни қарз олувчига ҳақиқатда берилган кредит асосий суммасининг қолдигига нисбатан кредит шартномасида белгиланган номинал ставка бўйича ҳисоблаши керак.

Бунда, кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар кредит суммаси қарз олувчининг ҳисобварағига ёки қарз олувчи томонидан кўрсатилган бошқа ҳисобвараққа ўтказилган ёхуд қарз олувчига нақд пул кўринишида берилган санадан бошлаб ҳисобланади.

35. Кредит ташкилоти қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортган тақдирда, ушбу кредит бўйича маблағлар беришни тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмасдан қарз олувчига кредит бериш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан ёзма хабарнома юбориши шарт.

36. Кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси тури (ўзгармас ёки ўзгарувчи фоиз ставкаси) ҳамда кредитнинг асосий суммаси ва фоизларини тўлаш усули (дифференциал ёки аннуитет) томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ кредит шартномасида назарда тутилиши керак.

37. Кредит ташкилоти кредит бўйича қарздорликни ундиришни кредит шартномасида ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва асосларда амалга оширади.

Кредит бўйича қарздорликни ундириш мақсадида кредит ташкилоти қарздорликни сўндириш зарурлиги ва кредит бўйича мажбуриятлар бажарилмаслигининг оқибатлари ҳақида тегишли тарзда қарздорни хабардор қилади.

Қарздорлик тўғрисидаги хабарнома асосий қарз суммаси, ҳисобланган фоизлар, воситачилик ҳақи, неустойка (пеня, жарима), бошқа тўловлар (агар мавжуд бўлса) кўрсатилганда, ушбу хабарнома қарздорлик миқдори тўғрисида қарздор учун қисқача ахборотни ўз ичига олган бўлиши керак. Хабарномани маҳаллий вақт билан соат 20-00 дан 8-00 гача қўлга топшириш ва у ҳақда телефон воситалари орқали оғзаки эслатмалар қилишга йўл қўйилмайди.

38. Қарздордан кредитнинг жорий тўлови учун кредитни қайтариш жадвалида белгиланган суммага нисбатан кўп маблағ келиб тушса, кредит ташкилоти келиб тушган маблағнинг ортиқча қисмини қарз олувчининг кредитининг (қарзнинг) асосий қарзини сўндиришга йўналтиради ҳамда кредит (қарз) суммасини қайта ҳисоблайди, агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса.

Агар кредитни қайтариш жадвали расмийлаштирилгандан сўнг кредит бўйича молиялаштиришни бошлаш муддатлари ёки шартномада кўзда тутилган ўзгарувчан фоиз ставкаси ўзгариши, кредит шартномасининг шартлари томонлар ўртасида қайта кўриб чиқилиши (шу жумладан, кредитнинг реструктуризация қилиниши), қарз олувчи томонидан кредит қисман муддатидан олдин сўндирилиши муносабати билан кредит бўйича тўловларни амалга ошириш саналари ва муддатлари ёки оралиқ кредит тўловларининг миқдорлари ўзгарганда кредит ташкилоти кредитни қайтариш жадвалини янгидан расмийлаштириши ва қарз олувчига тақдим қилиши лозим.

Бунда, кредитни қайтариш жадвали янгидан расмийлаштирилиши билан ундан олдин мавжуд бўлган кредитни қайтариш жадвали ўз кучини йўқотади. Ушбу қоида кредит шартномасида қайд этилиши шарт.

39. Микрокредит ташкилоти қарз олувчи томонидан шартномага асосан кредит (қарз) бўйича қарздорлик суммасини тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда мазкур қарз бўйича:

гаровда турган мулкни таққидан чиқариш;

гаровда бўлган мол-мулкка нисбатан кредит ташкилотининг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан чиқариш чораларини кўриши шарт.

2-§. Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш бўйича минимал талаблар

40. Кредит ташкилоти:

ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган хизмат кўрсатиш жойларида ошкор этиладиган ахборотдан барча истеъмолчилар бутун иш вақти давомида фойдалана олишларига имкон яратиб бериши;

ахборот истеъмолчилар учун қулай ва монеликсиз танишиш имконини берадиган тарзда жойлаштирилишини таъминлаши;

истеъмолчилар билан бевосита ишловчи кредит ташкилоти ходимларини (бундан буён матнда администраторлар деб юритилади) истеъмолчилар кўра оладиган, ходимнинг фамилияси, исми ва лавозими қайд этилган визуал идентификация воситаларига эга бўлишларини таъминлаши;

кредит ташкилоти хизматларини кўрсатиш учун мўлжалланган жойида истеъмолчилар ва ногиронлиги бўлган ҳамда имконияти чекланган истеъмолчилар билан шартномаларни тузиш имкониятини таъминлаши керак.

41. Администраторлар мазкур Низомда назарда тутилган, истеъмолчига бериладиган ахборотнинг минимал ҳажми содда шаклда тақдим эта олиши, шунингдек, истеъмолчининг бундай ахборот қайд этилган кредит ташкилоти ҳужжатлари билан танишиши учун имкон яратиши шарт.

Кредит ташкилоти администраторларга мазкур Низомнинг 15-бандида кўрсатилган ахборотни олиш, ўрганиш ва янгилаш имкониятини таъминлаши шарт.

4-боб. Қарздорлик юзага келганда кредит ташкилотларининг истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларни амалга ошириш

42. Кредит шартномаси бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, кредит ташкилоти истеъмолчи зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келган санадан бошлаб етти кун давомида истеъмолчи билан кредит шартномасида келишилган ҳар қандай алоқа боғлаш усулларида, шу жумладан, электрон алоқа воситаларидан ёки қонун ҳужжат-

ларида назарда тутилган бошқа усуллардан фойдаланиб, истеъмолчига муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида сўндириш жадвалини илова қилган ҳолда хабар бериши шарт.

43. Кредит ташкилоти қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда истеъмол кредити шартномаси бўйича истеъмолчини муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қайтариш мажбуриятлари бажарилмаганлиги ҳолати, муддати, суммалари, таркиби ва оқибатлари ҳақида хабардор қилиши, истеъмолчидан муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келиши сабаблари ҳақида сўраши шарт.

44. Истеъмолчи кредит шартномаси бўйича қарзнинг асосий суммасини қайтариш ва (ёки) фоизларни тўлаш муддатларини бузганда, кредит ташкилоти тегишли кредит шартномасида назарда тутилган усулда низони судгача ҳал қилиш юзасидан ўз талабномасини истеъмолчига етказди.

45. Кредит ташкилоти йўллайдиган талабномада қуйидаги ахборот кўрсатилган бўлиши керак:

кредит ташкилоти номи ва уни идентификациялаш учун етарли маълумотлар;

талабнома расмийлаштирилган санадаги истеъмолчининг кредит қарзи миқдори ва таркиби;

қарзни тўлаш усули (усуллари);

истеъмолчи ўз мажбуриятларини бажариши лозим бўлган муддат (ўн кундан кам бўлмаслиги лозим);

талабномада кўрсатилган муддатгача истеъмолчи ўз мажбуриятларини бажармаслиги оқибатлари;

низони судгача ҳал қилиш усуллари.

46. Кредит ташкилоти ва истеъмолчи тарафларнинг ўзаро розилигига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган низони судгача ҳал қилиш усулларини, шу жумладан, музокаралар ўтказиш орқали, қўллашга ҳақли.

47. Истеъмолчи низони судгача ҳал қилиш юзасидан талабномада белгиланган муддатда кўрсатилган талабларни лозим даражада бажармаганда, кредит ташкилоти судга даъво билан мурожаат этишга ҳақли.

5-боб. Истеъмолчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга қўйиладиган талаблар

48. Кредит ташкилоти истеъмолчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартибига эга бўлиши керак. Бунда, истеъмолчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби мазкур Низомга ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши керак.

49. Кредит ташкилоти томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар кредит ташкилотининг стендларида ва расмий веб-сайтида (мавжуд бўлса) жойлаштирилган бўлиши лозим.

50. Истеъмолчининг талабига мувофиқ кредит ташкилоти истеъмолчига мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини тушунтириб бериши керак.

Кредит ташкилоти мурожаатларни ўз вақтида ва ҳолисона кўриб чи-

қилишини таъминлайди ҳамда унинг натижалари бўйича мурожаат этувчиларни хабардор қилади.

51. Кредит ташкилоти истеъмолчининг мурожаат қилиш ҳуқуқини чеклашга ҳақли эмас. Кредит ташкилоти томонидан истеъмолчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бепул амалга оширилади.

Кредит ташкилоти томонидан мурожаатни қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди.

52. Кредит ташкилоти ўзининг расмий веб-сайти (мавжуд бўлса) орқали истеъмолчиларнинг электрон мурожаатларини қабул қилишни ташкиллаштириши лозим.

53. Истеъмолчиларнинг барча ёзма ва электрон мурожаатлари ўшакуннинг ўзида, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган тақдирда эса, кейинги иш кунида рўйхатдан ўтказилиши керак.

54. Истеъмолчиларнинг мурожаатлари кредит ташкилотига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши ва ёзма ёки электрон шаклда жавоб берилиши керак.

55. Қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида мурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

56. Телефон орқали мурожаат этилганда, ушбу мурожаатни кейинчалик кўриб чиқишда фойдаланиш мақсадида истеъмолчини олдиндан хабар қилган ҳолда суҳбат махсус (аудио) техника воситалари орқали ёзиб олиниши мумкин.

57. Кредит ташкилоти ходимининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан келиб тушган мурожаат, шу ходимнинг ўзига кўриб чиқиш учун топширилиши мумкин эмас.

58. Истеъмолчининг мурожаати асосли деб топилган ҳолларда, кредит ташкилоти камчиликларни бартараф этиш, истеъмолчининг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини тиклаш юзасидан тегишли чораларни кўриши зарур.

59. Кредит ташкилоти мунтазам равишда:

истеъмолчиларнинг мурожаатларини мониторинг қилади, унда қайд этилган масалаларни ҳамда мурожаатлар динамикасини таҳлил этади, умумлаштиради;

истеъмолчиларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида кредит ташкилоти фаолиятида бундай камчиликлар такрорланмаслигини таъминлаш лозим.

6-боб. Якуний қоидалар

60. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

61. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2020 йил 27 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

336 **Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240-4*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 28 августдаги ЎРҚ–558-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва 2020 йил 17 мартдаги ЎРҚ–612-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2011 йил 31 майдаги 68-сон буйруғи (рўйхат рақами 2240, 2011 йил 5 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 27-сон, 286-модда) билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 июнь,
195-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 15 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2020 йил 15 июндаги
195-сон буйруғига
ИЛОВА

**Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир
маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 13-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур шахсни текширишга юбориш ва бу текширувни ўтказиш Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3099, 2018 йил 14 декабрь) талаблари асосида амалга оширилади.».

2. 16-банддаги «суриштирув органлари» деган сўзлар «терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 45-банднинг ўн иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тезкор ва махсус хизматларнинг транспорт воситалари, шунингдек, улар кузатиб келаётган транспорт воситалари томонидан Қоидаларга мувофиқ имтиёздан фойдаланган ҳолда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар махсус фото ва видео қайд этишнинг автоматлаштирилган техник воситалари орқали қайд этилган тақдирда ҳамда кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажарганликни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда ҳайдовчиларнинг маъмурий қоидабузарлиги охириги зарурат ҳолатларида содир этилган деб топилади ва маъмурий иш Кодекснинг 271-моддасига мувофиқ тугатилади.».

4. 58-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки туман (шаҳар) маъмурий судига, маъмурий суднинг қарори устидан эса, кассация инстанцияси судига шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.».

5. 70-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«70. Жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда — шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим, бундан мазкур банднинг иккинчи хатбошиси мустасно.»;

қуйидаги мазмундаги бешинчи — саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиё-

рий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун суд томонидан жарима солинганда;

жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда ёки протест билдирилганда;

худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилганда.».

6. 74-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мажбурий ижрога қаратилган жарима солиш тўғрисидаги қарор ижро этилганидан сўнг давлат ижрочиси ижро ишини юритишни тамомлаш тўғрисида қарор чиқаради ва унинг бир нусхасини уни чиқарган органга (мансабдор шахсга) ёки судга юборади.».

7. 1¹-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

8. 2-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

9. 4-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 3-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

10. 6 — 8-иловалар тегишли равишда мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 4 — 6-иловаларига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

11. 13-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 7-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

* 1 — 7-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**337 Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2358-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон «Ўзбекистон Республикасида фуқароларни доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буйраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 1 майдаги 71-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2358, 2012 йил 4 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 19-сон, 210-модда);

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 августдаги 216-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2358-1, 2018 йил 25 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.09.2018 й., 10/18/2358-1/1957-сон);

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 4 майдаги 120-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2358-2, 2019 йил 13 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.06.2019 й., 10/19/2358-2/3285-сон).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси, Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 16 июнь,
197-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 17 июлда эълон қилинган.

Келишилган:

*Давлат хавфсизлик
хизмати раиси*

А. АЗИЗОВ

2020 йил 11 июнь

Бош прокурор

Н. ЙЎЛДОШЕВ

2020 йил 12 июнь

Ташқи ишлар вазири

А. КОМИЛОВ

2020 йил 15 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

338 Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2363-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон «Ўзбекистон Республикасида фуқароларни доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 1 майдаги 72-сон «Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2363, 2012 йил 14 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 20-сон, 222-модда);

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 17 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 28 январдаги 24-сон «Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2363-1, 2019 йил 27 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.02.2019 й., 10/19/2363-1/2683-сон).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси, Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 16 июнь,
198-сон

Келишилган:

**Давлат хавфсизлик
хизмати раиси**

А. АЗИЗОВ

2020 йил 8 июнь

Бош прокурор

Н. ЙЎЛДОШЕВ

2020 йил 8 июнь

Ташқи ишлар вазири

А. КОМИЛОВ

2020 йил 8 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

339 Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2804-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон «Ўзбекистон Республикасида фуқароларни доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2016 йил 16 майдаги 79-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2804, 2016 йил 28 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 26-сон, 321-модда);

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 августдаги 217-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2804-1, 2018 йил 21 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 10/18/2804-1/1952-сон);

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 4 майдаги 121-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2804-2, 2019 йил 13 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.06.2019 й., 10/18/2804-2/3286-сон).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан келишилган.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 17 июлда эълон қилинган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 16 июнь,
199-сон

Келишилган:

*Давлат хавфсизлик
хизмати раиси*

А. АЗИЗОВ

2020 йил 8 июнь

Бош прокурор

Н. ЙЎЛДОШЕВ

2020 йил 8 июнь

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

И. МАЖИДОВ

2020 йил 8 июнь

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

2020 йил 8 июнь

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 27 июндаги 15/6-сон «Микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларининг ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигига доир минимал талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3260.

2. Ўзбекистон Бадий академияси раисининг 2020 йил 24 июндаги И-50-сон «Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига кириш касбий (ижодий) имтиҳон натижаларини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3261.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 27 июндаги 15/3-сон «Молиявий хизматлар истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3262.

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 15 июндаги 195-сон «Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240-4.

5. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 16 июндаги 197-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2358-3.

6. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 16 июн-

даги 198-сон «Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2363-2.

7. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 16 июндаги 199-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2804-3.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2358, 2012 йил 4 май), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2358-1, 2018 йил 25 сентябрь), (рўйхат рақами 2358-2, 2019 йил 13 июнь).

2020 йил 17 июлда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг «Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2363, 2012 йил 14 май), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2363-1, 2019 йил 27 февраль).

2020 йил 17 июлда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2804, 2016 йил 28 июнь), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2804-1, 2018 йил 21 сентябрь), (рўйхат рақами 2804-2, 2019 йил 13 июнь).

2020 йил 17 июлда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

